БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 30 (2321).

12 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА 1963 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

СССР ГРАЖДАН ҲАВО ФЛОТИ ХОДИМЛАРИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Граждан авиацияси ва авиация саноати ходимларини СССР Граждан ҳаво Флотининг 40 йиллиги муносабати билан табриклайдилар ва қутлайдилар.

Совет Иттифоқининг ҳаво транспорти кейинги йилларда миллион-миллион совет кишилари учун арзон ва қулай алоқа воситаси бўлиб қолди. Граждан авиациясидан социалистик саноатни ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни, алоқа ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш манфаатлари йўлида кенг фойдаланилмоқда. Ички ва халқаро авиация линиялари анча кўпайди.

Аэрофлот мамлакатимизда ишлаб чиқарилган биринчи даражали реактив ва турбовинтли самолётлар билан таъминланганлиги ҳамда малакали учувчилар, инженерлар, техниклар, бошқа авиация мутахассислари команда — раҳбар составнинг ажойиб кадрларига эга бўлганлиги туфайли ҳаво транспортини тез ривожлантириш имкониятларини яратилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати СССР Граждан ҳаво Флоти ходимларига авиация техникасини ўзлаштиришда, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда янги муваффақиятлар тилайдилар ҳамда улар авиация транспортини пассажирлар ташишнинг оммавий турига айлантириш тўғрисида КПСС XXII съезди томонидан қўйилган вазифани шараф билан бажарадилар ва бу билан мамлакатимизда коммунизм қуришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

11 февралда Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми очилди.

Область партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари, область партия комитетларининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланадиган секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, область партия комитетлари қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаларининг бошлиқлари, суғориш системалари область бошқармаларининг бошлиқлари, «Узсельхозтехника» область бирлашмаларининг раислари, касаба союзлари область советларининг раислари, область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг секретарлари ва шу бошқармаларнинг бошлиқлари, совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва илғорлари, колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг секретарлари, республика активи пленум ишида қатнашиш учун таклиф қилинди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги Бюросининг раиси ўртоқ В. И. ПОЛЯКОВ, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси ўртоқ В. Г. ЛОМОНОСОВ, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. АКУЛИНЦЕВ, С. М. ВЕСЕЛОВ ўртоқлар қатнашмоқдалар.

Пленум кун тартибида «Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида пахта етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги масала турибди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ ана шу масала юзасидан доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда қуйидагилар қатнашди: Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. АБДУРАЗЗОҚОВ, селекционер ўртоқ Б. П. СТРАУМАЛ, Андижон қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. ҲАЙДАРОВ, Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхози комплекс бригадасининг раҳбари ўртоқ Ш. ҚУДРАТОВ, Хева ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ М. ХУДОЙБЕРГЕНОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. МАҲМУДОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор ўртоқ В. А. ТЮПКО, Фарғона қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. А. ГАБРИЕЛЬЯНЦ, Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Крупская номли колхознинг раиси ўртоқ Р. ИСЛОМОВА, Киров ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Е. ТАСАНБОЕВ, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Ш. ШАМСИДДИНОВ, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори ўртоқ И. ИБРОҲИМОВ, Самарқанд қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. МАҲМУДОВ, «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари ўртоқ В. В. САВИНИХ, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Б. А. КРАСНИКОВ, Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Совой» совхозининг директори ўртоқ У. САРИМСОҚОВ, «Узсельхозтехника» бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Н. И. ФЕРШТАТ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ЕТИШТИРИШ ЮЗАСИДАН ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

БИЗНИНГ ЭНГ БИРИНЧИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИМИЗ

Совет кишилари КПСС XXII съезди белгилаб берган улуғвор режаларни, партиянинг шу съездда қабул қилинган янги Программасини амалга ошириш йўлида зўр шавқ-завқ билан меҳнат қилмоқдалар. Шонли ленинчи партия раҳбарлигида барча қардош халқларимизнинг меҳнатдаги куч ва ғайрати социалистик давлатнинг қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган ягона оқим бўлиб қўшилмоқда.

Етти йиллик план топшириқлари муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарилаётганлигини, бизнинг мамлакатимиз ўзининг улуғ мақсади сари — коммунизм тантанаси сари ғоят катта қадамлар билан олга бораётганлигини совет кишилари улуғ ифтихор ва зўр ҳурсандлик ҳислари билан қайд қилмоқдалар.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам партия қўйган вазифаларни ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республика саноати асосий кўрсаткичлар бўйича етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўрсатилган даражадан илдамроқ бормоқда. Транспорт ва алоқанинг ҳамма турлари муваффақиятли ривожланмоқда. Капитал қурилиш йилдан-йилга кенгаймоқда.

Республикада пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари янада ривожланди.

Пахта етиштириш республикамизда етти йилликнинг тўрт йили мобайнида ундан олдинги тўрт йилдагига нисбатан 838 минг тонна кўпайди. Каноп поясини етиштириш ва қорақўл терилари тайёрлаш, дон, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, гўшт, сут, жун, тухум тайёрлаш соҳасида етти йиллик планнинг контроль рақамлари тўла ва ошириб бажарилди.

Совет кишилари эришган натижалар совет экономикасининг ҳамма тармоқларини янада кескин юксалтирмоқ учун бамисоли бир босқич бўлиб хизмат килмоқда.

Етти йиллик планни тўла бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга ошириб ҳам бажариш ва шу тариқа КПСС XXII съезди, партиянинг янги Программаси белгилаб берган тағин ҳам улканроқ вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган мустаҳкам замин яратиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Лекин шу имкониятларни воқеликка айлантирмоқ учун биз кўп меҳнат қилишимиз керак, резервлардан тағин ҳам яхшироқ, оқилона фойдаланишимиз, халқ хўжалигини планлаштиришни ва унга раҳбарликни зўр бериб такомиллаштиришимиз керак.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорига биноан, партия органлари ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қуриб олинганлиги билан халқ хўжалигини бошқаришнинг бутун системаси тағин ҳам яхлит ва мукаммал система бўлиб қолмоқда. Бу қайта қуриш партиянинг, партия органларининг куч ва ғайратини коммунистик қурилишнинг бош вазифаларини амалга оширишга қаратишга имкон бермоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари партиямизнинг ленинча доҳиймандлигини ифодалаб берди, партиямизнинг новаторлик, революцион руҳини, партиямиз замон н и н г етилган талабларини, ўз вақтида пайқаб олиб, буларни ўз сиёсатида ва амалий фаолиятида акс эттира олиш қобилиятини яққол кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларидан руҳланган совет кишилари меҳнатда тағин ҳам юксак муваффақиятларга эришмоқ учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирмоқдалар, етти йиллигининг бешинчи йилини экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида янги муваффакиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар.

Усть-Лабинск галлакор л а р и қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириб юборишга чақириб ажойиб ташаббус кўрсатдилар. КПСС Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади.

Усть-Лабинск галлакорларининг чақириғи ҳамма жойда қувватланди. Республикамизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам бу чақириқни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар Краснодар галлакорларининг чақириғига жавобан пахта, гўшт, сут, тухум, жун, сабзавот, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш соҳасида 1963 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитетини ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Совет Ўзбекистонининг партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари Усть-Л а б и н с к галлакорларининг ва янгийўлликларнинг ташаббуси билан бошланган мусобақани чинакам умумхалқ мусобақасига айлантириш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Ўртоқлар, жуда катта хурсандчилик билан сизларга шуни айтиб ўтайки, бутун мамлакатимизнинг бахт-саодати йўлида Мирзачўл районларида пахта етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда янги Сирдарё областини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу областнинг маркази Янгиер шаҳрида бўлади.

Бу партиямиз Марказий Комитети совет пахтачилигини ривожлантириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир.

Биз бу улуғ ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Президиумига, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга бутун қалбимиздан, чин кўнглимиздан ташаккур изҳор қиламиз. **(Қарсаклар).**

Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон зиммасига мамлакатни пахта билан таъминлашдан иборат жуда фахрли ва жуда масъулиятли вазифа юкланган. Ўзбекистон ҳамиша Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Партия совет пахтачилигини ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

Улуғ Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб пахта етиштиришни йўлга қўйиш ва кўпайтириш масалаларини ж ескин қилиб қўйди.

1920 йилнинг ноябрида В. И. Ленин имзоси билан Халқ Комиссарлари Советининг махсус қарори чиқарилди. Бу қарорда Туркистон ва Озарбайжон Совет Социалистик Республикаларида пахтачиликни тиклашнинг конкрет чоралари кўзда тутилди.

Бу қарор Туркистонда ва мамлакатнинг бошқа пахтакор районларида пахтачиликни тиклашга ва ривожлантиришга В. И. Ленин нақадар катта аҳамият бергандигини яққол кўрсатиб турибди.

Ленининг шу ҳужжати эълон қилинганидан бери орадан нисбатан анчалик кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин шу давр ичида биз нақадар жуда катта ишлар қилдик! Революцияга қадар жуда ибтидоий усулда ривожланиб келган пахтачилик мустаҳкам техника базасига эга бўлиб қолди, юксак даражада механизациялашган тармоққа айланди. Ўзбекистонда пахта толаси етиштириш 1913 йилдагига нисбатан қарийб олти баравар кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилдаги сентябрь Пленумидан кейин совет пахтачилигида айниқса, жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Мана шу ўзгаришларнинг ҳамма ўртоқ Н. С. Хрушчев номи билан боғланган. 1954, 1956 йилларда Тошкентдаги кенгашларда, 1958 йилда пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида, 1961 йилнинг ноябрида Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ва Қозоғистоннинг жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг зона кенгашида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган ёрқин, чуқур мазмунли нутқлари, Ўзбекистонга неча марталаб келган вақтида берган доно маслаҳатлари пахтачиликни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларига амал қилиб, деҳқончилик маданиятини ошириш йўлида тўсқин бўлиб турган қайсарлик ва консерватизмни кескин равишда синдириб, ғўзани парвариш қилишнинг янги, прогрессив усулларини жорий қилишда бирмунча муваффақиятларга эришди.

Бу эса пахта етиштириш даражасини анча оширишга, пахтаниг таннархини камайтиришга, пахтакорларнинг меҳнат унумдорлигини анча оширишга имкон берди.

Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида ўрта ҳисобда ҳар йили етиштирилаётган пахта қарийб уч миллион тоннага етди ва ундан олдинги тўрт йилдагига нисбатан йилига 210 минг тонна, ёки 7,6 процент кўпайиб борди, пахтанинг ҳар центнерини етиштиришга сарф бўлаётган меҳнат колхозларда 1,3 ва совхозларда бир ярим одам-куни миқдорида камайтирилди.

Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, республика партия ташкилоти, аввало, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта етиштиришни кўпайтирмоқ учун ҳамма резервлар ва имкониятларни ишга сола олмадилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган Хатида ва унинг ноябрь Пленумида қилган докладида, пахта етиштирувчи республикаларнинг халқ олдидаги қарзи катта, улар етти йиллик планда мўлжалланган даражадан орқада қолмоқдалар, деб кўрсатилганлиги, биринчи навбатда, бизга таллуқлидир.

Бизнинг республикамиз етти йилликнинг тўрт йили мобайнида давлатга пахтани 670,4 минг тонна кам берди, бу эса етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўрсатилган миқдорнинг 5,3 процентини ташкил қилади.

Етти йилликнинг тўрт йили учун белгиланган топшириқлар республика областларида қандай бажарилганлигинв қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин.

Хоразм пахтакорлари етти йилликнинг тўрт йили мобайнида давлатга контроль рақамларда кўрсатилганидан 149 минг тонна кўп «оқ олтин» бердилар. Хоразм областининг меҳнаткашлари ўтган йил ҳам Ватан олдидаги ўзларининг ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажардилар. Улар гектар бошига 29,5 центнердан жами 294,4 минг тонна пахта етиштириб, фан муваффақиятларидан ва илғорлар тажрибасидан моҳирлик билан фойдаланилган, ишларни яхши ташкил килган тақдирда, ҳар қандай қийинчиликни фидокорона меҳнат билан енгиш ва олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мумкин эканлигини яққол кўрсатдилар.

Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Хоразм пахтакорларининг меҳнатдаги ғалабасига юксак баҳо бергандиклари билан фахрланамиз.

Самарқанд области пахта етиштириш соҳасида етти йилликнинг тўрт йили учун белгиланган топшириқни бажарди, лекин ўтган йил пахтачиликда жиддий камчиликларга йўл қўйилмаганда эди, бу область пахтани анча кўп бера олган булур эди. Собиқ Хатирчи, Норпой ва Пастдарғом районлари 1962 йил планини, айниқса, ёмон бажардилар ва ўтган тўрт йил ичида кўпгина пахтани кам бердилар.

Фарғона, Тошкент, Бухоро, Андижон, Сурхондарё областларининг ва Қорақалпоғистон Автоном республикасининг айби билан республикамиз пахта етиштириш соҳасида етти йилликнинг контроль рақамларини бажаришда орқада қолди.

Қорақалпоғистонда пахта етиштириш соҳасида етти йилликнинг тўрт йилига мўлжалланган топшириқни ошириб бажариш учун ҳамма имкониятлар бор эди, лекин деҳқончилик маданияти пасайиб кетганлиги ва ташкилотчилик ишлари етарли бўлмаганлиги сабабли, бу топшириқ 1962 йилда бирмунча кам бажарилди. Кегайли районида давлатга пахтани қарийб ўн минг тонна кам берди, Амударё районида эса пахтани олти ярим минг тонна кам берди.

Фарғона области тўрт йил ичида давлатга пахтани 237 минг тонна кам берди. Масалан, Охунбобоев районида пахтани 25 минг тоннадан зиёдроқ кам берди, Киров районида қарийб 23 минг тонна, Марғилон районида деярли 21 минг тонна, Қувва районида 20.683 тонна кам берди.

Совет пахтачилигининг энг бой хони деб шуҳрат қозонган Фарғонанинг обрўсига кейинги йилларда анча доғ тушиб қолди.

Бунинг асосий сабаби шуки, областда кўп вақтлардан бери пахтачиликка юзаки раҳбарлик қилиниб келди, прогрессив агротехника назар-эътиборга олинмади.

Тошкент области давлат олдида жуда катта қарздор бўлиб қолди. Етти йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бу область пахтани 211 минг тонна кам берди. Иш ғоят ёмон ташкил қилинган Гулистон районида ўтган тўрт йил ичида давлатга қарийб 42 минг тонна, Сирдарё районида 28 минг тоннадан зиёдроқ пахта ҳам берилди, Оққўрғон районида давлатга пахтани шу йиллар мобайнида 25,5 минг тонна, Бекобод районида 24.339 тонна кам берди.

Бундай қолоқликка ҳеч қандай сабаб йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Областнинг ерлари унумдор ерлар, жиддий сув таҳқислиги бўлгани йўқ, бошқа ҳамма областлардагига қараганда бу областда механизмлар кўп.

Модомики аҳвол шундай экан, нима сабабдан тошкентликлар пахта етиштириш планларини бажаришда шу қадар жуда орқада қолиб кетдилар?

Бунинг сабаби шуки, областдаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг пахтачиликка раҳбарлик қилишида катта қамчиликлар бор.

Бухоро области сурункасига орқада қолиб келмоқда. Бу область етти йилликнинг тўрт йили учун белгиланган топшириқларни бажармади ва давлатга пахтани 176,4 минг тонна кам берди.

Давлатга пахтани тўрт йил ичида Қорақўл ишлаб чиқариш бошқармаси 36,4 минг тонна, Навоий районида 24 минг тоннадан зиёдроқ кам берди. Шофрикан районида 23 минг тоннага яқин, Бухоро районида 22,5 минг тонна пахтани кам берди.

Маълумки, Бухоро областида шўр ерлар кўп, сув етишмайди. Бундай шароитда нима қилиш керак эди? Ерларни яхшилаб текислаб қўйиш, ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ерларнинг шўрини ювиш ва ғўзаларни ўз вақтида суғориш, сувдан тежаб фойдаланиш керак эди. Хуллас, хоразмлик ўртоқлар қилган ишларни бажариш керак эди. Лекин бухороликлар бунга эътибор бермадилар.

Бизнинг энг катта пахтакор областимиз бўлган Андижон области етти йилликнинг тўрт йили мобайнида давлатга бир юз саксон тўрт минг тоннадан зиёдроқ пахтани кам берди. Бу область бир вақтлар республикада энг серҳосил область эди, лекин кейинги вақтларда биринчиликни хоразмликларга бериб қўйди. Андижонликлар пахта тайёрлаш планини қаторасига уч йилдан бери бажармаётирлар. Улар ўтган йил гектар бошига 22,7 центнердан ёки 1959 йилдагига қараганда 3,9 центнер кам пахта олишди.

Андижон областида ерларга яхоб беришга етарли эътибор қилинмаётир. Бу областда чигитни қуруқ тупроққа экмоқдалар, улар чигит суви бермай, ғўзани ундириб оламиз, деб ўйлайдилар-у, аммо уларнинг бу ишлари зарардан бошқа ҳеч наф бермайди. Андижон областида ғўзаларнинг мисли кўрилмаган равишда сийрак бўлиб қолаётганлиги ҳам тасодифий эмас. Андижонликларга биринчи вегетация даврида ғўзани ўз ҳолига ташлаб қўйиш ва август ойида ғўза парваришини сусайтириб юбориш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ва ғўзанинг касалликларига парвосизлик билан қараб бегамлик қилиш одат бўлиб қолди.

Андижон области кейинги тўрт йил ичида пахтани 25,5 минг тонна, Ильич области ўн уч минг етти юз тоннадан зиёдроқ, Избоскан области эса пахтани қарийб 13 минг тонна кам берди.

Бизнинг энг жанубий областимиз бўлган Сурхондарё областида пахтачиликни ривожлантириш учун ғоят қулай табиий шароитлар бор. Шундай бўлса-да, бу область ҳам қарздор областлардан бири бўлиб қолмоқда — область етти йилликнинг тўрт йили мобайнида давлатга пахтани 33 минг тонна кам берди.

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, вужудга келган бу аҳвол бизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Бизнинг бурчимиз шуки, етти йилликнинг қолган йилларида пахта етиштириш соҳасида йўл қўйилган камчиликларни тузатмоқ ва етти йилликнинг контроль рақамларида белгиланган даражага кўтарилмоқ учун жуда қатъий, амалий чоралар кўришимиз керак.

Бу масъулиятли вазифани муваффақиятли бажармоқ учун республика партия ташкилотининг бутун кучини сафарбар қилиш лозим.

Бизнинг бу пленумимиз республикада пахта етиштиришни тўхтовсиз кўпайтириш тақдирини ҳал қиладиган туб масалаларни кўриб чиқиш учун чақирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Доклад қисқартирилган стенограмадан олиб босилди.

ЛАОС ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Лаос Короллиги ҳукумат делегацияси Тошкентга келди

Лаос ва Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидан ривожланаётганлиги, Лаос Короллиги тинчлик, бетарафлик ва миллий бирлик сиёсатини ўтказаётганлиги барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашларини ҳам ғоят қувонтирмоқда. Тошкент аҳолиси Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Лаос ҳукумат делегациясини 11 февралда самимий ва тантанали вазиятда кутиб олди.

Ҳукумат делегациясига Лаос корли Шри Саванг Ваттхана бошчилик қилмоқда. Делегация составида Лаос коалицион ҳукуматининг бош министри, миллий мудофаа, уруш ветеранлари ва ижтимоий ишлар министри шаҳзода Суванна Фума, королнинг ўғли, шаҳзода Сурия Саванг, ташқи ишлар министри Киниим Фолсена, информация, пропаганда ва туризм министри Фуми Вонгвичит, жамоат ишлари ва транспорт министри Нгон Сананикон, ташқи ишлар министрлиги протоколининг директори Кудай Суваннавонг ва бошқа расмий кишилар бор.

Ҳурматли меҳмонлар келиши муносабати билан Ўзбекистон пойтахти шу куни байрам либосини кийди. Лаос, рус ва ўзбек тилларида «Яшасин Совет Иттифоқи ва Лаос халқлари ўртасидаги дўстлик!», «Бетараф, мустақил, демократик Лаосни вужудга келтириш йўлига кириб олган Лаос халқига қизғин салом!», «Яшасин бутун дунёда тинчлик!» деган сўзлар ёзилган қирмизи транспарантлар шаҳарнинг кўчалари ва майдонлари устига тортиб қўйилган эди. Аэродром устига ўрнатилган Лаос Короллиги. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқларини шамол ҳилпиратиб турибди. Аэропорт биносининг пештоқига Шри Саванг Ваттхана, Суванна Фума, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежневнинг портретлари, қизил алвонлар қўйилган. Бу қизил алвонларга лаос, рус ва ўзбек тилларида: «Хуш келибсиз, азиз лаослик меҳмонлар!» деган сўзлар ёзилган.

Лаос ҳукумат делегациясини кутиб олмоқ учун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг кўпгина вакиллари аэровокзал перронига тўпландилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Курбонов, Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский, СССР Олий Советининг депутати Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев, Ўзбекистон ССР маданият министри С. М. Муҳамедов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ў. А. Рустамов ва бошқалар меҳмонларни кутиб олдилар.

Москвадан бу ерга келган СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протоколининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Ж а н у б и й Осиё бўлими мудирининг ўринбосари Д. С. Чувахин, СССР Олий Совети Президиуми масъул ходими В. Д. Шчербатих, шунингдек, Лаос Короллигининг Совет Иттифоқидаги элчиси Кампан Панья ҳам аэродромда бор эди.

(Охири тўртинчи бетда).

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

ЕР БОЙЛИКЛАРИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ердан тўғри фойдаланиш умуман қишлоқ хўжалигида ва шу жумладан пахтачиликда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масаладир.

КПСС Программасида бундай деб таъкидланади: «Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий йўли — ҳар томонлама механизациялаш ва изчил **интенсивлаш**; фан ва илғор тажриба асосида барча колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг юксак маданиятига эришиш, барча экинлар ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш ҳамда меҳнат ва маблағларни ҳар томонлама тежаган ҳолда ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришдир».

Деҳқон — ерни ўз фароғатининг, ўз тириқчилигининг манбаи деб билиб, қадим замонлардан унга меҳр билан қараб келди. Халқ ер тўғрисида, унинг бойликлари ҳақида қўшиқлар ва мақоллар тўқиди. Донишманд халқнинг «Ер тўйса — эл тўяди» деган мақоли бор.

Социалистик тузум шароитида ер — умумхалқ мулки бўлиб, бизнинг вазифамиз — ер бериши мумкин бўлган ҳамма нарсани унинг бағридан ундириб олишдир.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ва айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилги сентябрь Пленумидан кейин бутун мамлакатда бўлганидек, пахтакор республикаларда ҳам ер фондидан самаралироқ фойдаланиш ва деҳқончилик маданиятини ошириш соҳасида партия раҳбарлигида жуда катта иш қилинди.

Ана шу давр ичида республикамизда суғориладиган ерларга чигит ва бошқа экинлар экиш кўлами анча кенгайтирилди, бу эса пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга имкон берди.

Яқиндагина республиканинг ер фондига янги майдонлар қўшилди. Жанубий Қозоғистон ўлкасининг Чимкент ва Қизил Ўрда областларидаги ҳайдаладиган ва яйлов ер массивларидан жами уч ярим миллион гектардан кўпроғи, ана шу ерларга жойлашган Пахтаорол ва Киров ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ва совхозлар, шунингдек топширилаётган территориядаги барча муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ўзбекистон составига топширилди.

Бу — шонли Коммунистик партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати қудратли ҳаётий кучга эга эканлигини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир. Бу факт КПСС Программасининг коммунизм моддий-техника базасини яратиш СССР халқларининг янада мустаҳкамроқ жиспслашуви ва бирлашувига олиб боради, деган қонунсонни аққол тасдиқлаб турибди.

Олиҳжаматлилик қилиб, Жанубий Қозоғистон ўлкасидаги ерларнинг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига топширганлиги учун қардош Қозоғистонга чин юракдан катта раҳмат айтамиз. (**Қарсаклар**).

Экин майдонларини кенгайтиришда қўлга киритган ютуқларимиздан қувониш билан бирга, биз айни маҳалда суғориладиган ер бойликларимиздан тўлиқ фойдаланиш учун ҳали етарли иш қилмаганлигимизни кўриб турибмиз.

Кўпгина колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданияти паст, пахта етиштиришда орқада қолаётганимизга ҳам асосан ана шу нарса сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан республика Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалик министрлигининг пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришни таъминловчи илмий асосланган деҳқончилик системасини жорий қилишга доир бир қанча масалаларда ҳали қатъиян принципиал позицияда турмаётганликларини кўрсатиб ўтмаслик мумкин эмас.

Ердан тўғри фойдаланиш керак, деган сўзнинг маъноси нима?

Бунинг маъноси, аввало, жуда оз меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда, яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига пахта ва бошқа маҳсулотлардан энг юқори ҳосил олиш имконини берувчи экинлар структурасини жорий қилиш демакдир.

Ердан моҳирлик билан фойдаланишнинг аҳамиятини кўрсатиб бермоқ учун иккита совхозга — «Ҳазорбоғ» совхози (директори ўртоқ Эргашев) билан Тошкент областидаги Киров номли совхозга (директори ўртоқ Бойматов) таллуқли 1962 йилги қуйидаги маълумотларни келтириб ўтаман:

	«Ҳазорбоғ» совхози	Киров номли совхоз
Суғориладиган ер майдони (гектар)	4436	6415
шу жумладан пахта майдони	3500	4819
Жами экин майдонида пахтанинг салмоғи (процент ҳисобида)	77,0	74,4
Пахта ҳосилдорлиги (гектаридан центнер)	31,7	16,7
Ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига олинган:		
Пахта (тонна)	252	126
Гўшт (сўйилган вазнда центнер)	50,9	12,3
Сут (центнер)	180,0	72,0

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, ҳар иккала совхознинг эришган натижаларида хийла катта фарқ бор. «Ҳазорбоғ» совхози эришган натижалар ҳали чегара бўла олмайди, албатта, лекин бу натижалар хўжалик тўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Киров номли совхозга келганда эса «Ҳазорбоғ» совхози бераётган пахта билан сутнинг ярмини, гўштнинг эса ҳатто тўртдан бир қисмини етиштираётганлигини оқлаш учун бу совхознинг ҳеч қандай объектив важлари йўқ. Киров номли совхознинг техникаси бор, одамлари етарли, суви сероб, бошқа моддий ресурслари ҳам беками-кўст.

Хўш, нима етишмаяпти?

Етишмаётган нарса шуки, совхоз раҳбарлари партия ва давлат олдида масъулият сезмаяптилар, ердан фойдаланишга хўжалик манфаатлари нуқтаи назаридан қарамаяптилар.

Ўтган йили умуман республикада суғориладиган экинзорларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 145 тонна пахта олинди.

Хўш, областлар бўйича аҳвол қандай?

Ҳоразм области суғориладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига икки юз ўн беш тонна пахта етиштиришга эришди. Айни маҳалда Сурхондарё области 185 тонна, Андижон области 184 тонна, Фарғона области 146 тонна, Самарқанд области 122 тонна, Қорақалпоғистон АССР 118 тонна, Бухоро области 107 тонна пахта берди. Ҳар юз гектар ҳисобига Тошкент области етиштирган пахта миқдори ҳам кам бўлди. Ҳар юз гектар ер ҳисобига гўшт ва сут етиштириш соҳасида ҳам худди ана шундай кескин тафовутларни кўриш мумкин.

Бизнинг битмас-туганмас резервларимиз ана шу тафовутлар замирида яшириниб ётибди!

Бу резервларни ишга солиш — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш демакдир.

Олимларимиз пахтакор хўжаликлар учун рационал алмашлаб экиш схемаларининг бир неча вариантини ишлаб чиқишди, бу схемаларда пахта салмоғи кўп бўлиши билан бир қаторда, маккажўхори, беда, нўхат ва бошқа дуккакли дон экинлари экиш ҳам кўзда тутилади.

Биз ана шу алмашлаб экиш схемаларини жорий қилмоғимиз керак, шу билан бирга, қайси схемани қабул қилиш масаласи хўжалик шароитларига амал қилган ҳолда ҳар бир колхоз ва совхознинг ўзида конкрет ҳал этилиши лозим.

Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини бутун чоралар билан оширишга зўр бериб ҳаракат қилиш билан бирга, айни замонда экин майдонларини борган сари кенгайтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишимиз зарур, бу эса пахта етиштиришни кўпайтиришнинг иккинчи катта резервидир.

Боя айтиб ўтилганидек, суғориладиган экинзорлар майдонини кенгайтириш йўлида республикада маълум иш қилинди.

Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида республикада экин экиш ва кўчатлар ўтказиш учун суғориладиган ерлар жами бўлиб қарийб бир юз қирқ минг гектар кўпайтирилди. Айни маҳалда ана шу ерларнинг талайгина қисмига чигит экилди.

Айниқса чигит экиш учун янги ерларни ишга солиш соҳасида етти йиллик план топширигини бажариб кўйганлигимизни назарда тутиб, эришилган натижаларга фақат қувонишимиз мумкин эди. Лекин чатоқ жойи шуки, биз ўзлаштирилган ерларнинг ҳаммасини қишлоқ хўжалик оборотида сақлаб қолиб, ундан зарур миқдорда маҳсулот ола билмадик.

Бизнинг вазифамиз — ер фондини сақлаб қолиш тўғрисида, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси бўлган ернинг энг кўп миқдорда пахта ва бошқа маҳсулотлар бериши тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишдир.

Шундай қилиб, ер фондидан фойдаланиш ишидаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

биринчидан, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда, экишга яроқли ерларнинг ҳар гектаридан энг кўп миқдорда маҳсулот олиш учун тупроқ ҳосилдорлигини ошириш соҳасида зўр бериб қатъият билан мунтазам иш олиб боришимиз;

иккинчидан, экиннинг юқори сифатли ўтказилиши, чигитнинг бир текис, соғлом униб чиқиши ва гўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши, гўзанинг қониб сув ичиши, яхши парвариш қилиниши ва окибат натижада пахта ҳосилининг мўл бўлиб, барвақт очилиши, аввало, далаларни текислашга боғлиқ эканини эсда тутиб, ҳамма жойда далаларнинг яхшилаб текисланишига эришишимиз;

учинчидан, янги ва партов ерларни ўзлаштириш йўли билан суғориладиган экинзорларни ҳар тарафлама кенгайтириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишимиз керак. Пахта ялпи ҳосилини янада кўпайтириш манфаатларини кўзлаб кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш — биз учун қонундир;

тўртинчидан, халқнинг жуда катта бойлиги бўлган жамоат ерларини кўз қорачиғидек асраб, ҳар бир квадрат метр ердан мўл ҳосил олишимиз лозим.

СУВ — ҲОСИЛНИНГ ЖОНИ

Ўрта Осиё шароитида ер билан сув — бир-бирига эгизак нарса. Шунинг учун халқ орасида «ер сув билан тирик» деган гап борки, бу бежиз айтилмаган.

Совет ирригациясининг бешиги ёнида улуғ Ленин турган эди. Қирқ тўрт йилдан кўпроқ муқаддам, мамлакатни фронтларнинг ўтли ҳалқаси қуршаб олган, оқгвардиячилар ва чет эл интервентларининг қутуриб қилаётган ҳужумини мамлакат қаҳрамонона даф этиб турган бир пайтда, 1918 йил май ойида Владимир Ильич Ленин «Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм маблағ ажратиш ва ана шу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий декретни имзолади.

Ленин Совет Шарқи халқларига мурожаат қилиб, ўзига хос доҳиёна башорат билан бундай деб ёзди:

«Суғориш ўлка учун ҳаммадан кўпроқ керакли бўлиб, унинг қиёфасини ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ўзгартиради, уни тиклайди, ўтмишга барҳам беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

Ленининг ана шу кўрсатмасига амал қилиб, республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами билан ирригация соҳасида бир талай ишлар қилди. Ўзбекистон бағрида ўнлаб йирик гидротехника иншоотлари қад кўтарди.

Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар меҳнатда чинакам жасорат кўрсатдилар. Бир замонлар жонсиз дашт бўлиб ётган жойларда автомобиль йўллари, темир йўл магистралларининг кенг шохобчаси бунёдга келди, неча юз километрлаб масофага электр узатувчи линиялар тортилди, подстанциялар, алоқа линиялари, водопровод ва газ қувурлари қурилди, қўриқ ерларнинг эҳтиёжи учун ишлайдиган саноат корхоналарининг корпуслари қад кўтарди, ажойиб совхозлар барпо қилинди.

Бизда сув хўжалиги қурилиши айниқса кейинги йилларда кенг кўламда авж олдириб юборилди.

Етти йилликнинг ўтган даври ичида ирригация соҳасида қуйидаги энг йирик ишлар бажарилди:

Тошкент областида — Оҳангарон дарёсида сув омбори қурилди, бу эса Тошкент каналидан сув ичиладиган ерларда деҳқончиликни ривожлантириш ҳамда эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш. Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида ва Оҳангарон дарёсининг қуйи этакларида янги суғориладиган ер майдонларини кўпайтириш имконини берди;

Фарғона водийсида — Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларнинг талайгина қисмини суғориш ва ўзлаштириш, бир қанча майдароқ ер массивларини машинада ва табиий йўл билан суғориш соҳасидаги ишлар давом эттирилди. Каркидон сув омбори қурилиши бошлаб юборилди;

Зарафшон водийсида — Қуйимозор сув омбори ва Аму — Қорақўл канали. Кармана гидроузели, Хатирчи магистрал канали қуриб битказилди. Каттақўрғон сув омборининг ҳажми кенгайтирилмоқда, ишлаб турган ирригация системаларини техника жиҳатидан такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилди;

Қашқадарё водийсида — Чимқўрғон сув омбори қуриб битказилди, Қуйи ва Ўрта Қашқадарё суғориш системалари қайта қурилди, Пачкамар сув омборини қуришга киришилди;

Сурхондарё водийсида — Учқизил сув омбори ҳамда йирик Жанубий Сурхон сув омборининг биринчи навбати қуриб битказилди;

Хоразм областида — Тошсоқа ва Қилич — Ниёзбой ирригация системалари реконструкция қилиниб, суғориладиган майдонлар кенгайтирилди;

Қорақалпоғистон АССРда — Қизкеткен ва Пахтаарна ирригация системалари реконструкция қилиниб, суғориладиган майдонлар кенгайтирилди ҳамда ерларни сув билан кўпроқ таъминлаш учун кўп миқдорда насос станциялари ўрнатилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси республикада пахтачиликни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди, албатта.

Бироқ, ирригация ишларининг ҳозирги даражаси ўсиб бораётган вазифаларга ҳали мутлақо мос эмас. Республикада ғоят ҳосилдор ерлар кўп бўлиб, йилдан-йилга етарли миқдорда сув билан таъминланмаётганлиги орқасида ана шу ерлар ўз имкониятига яраша ҳосил бермаяпти.

Мисол учун ниҳоятда сув танқис бўлган ўтган йилни олиб кўрайлик. Гўза ривожланишининг энг масъулиятли даврида Бухоро ва Самарқанд областларидаги ерлар сув билан атиги 55-61 процент, Фарғона ва Андижон областларидаги ерлар эса 62-79 процент таъминланди. Қарши группасидаги районларда ерларнинг сув билан таъминланиши ҳам ёмон бўлди.

Башарти, ерларимиз сув билан дуруст таъминланмаганлиги учун бутун айбни фақат табиат устига агдариб қўйсак, ҳақиқатнинг юзига оёқ қўйган бўлур эдик.

Асосий масала — табиатнинг инжиқликларида эмас, балки ирригация соҳасидаги резервларимиз ва имкониятларимиздан ҳали тўлиқ фойдаланмаётганлигимиздадир. Ҳамма вақт сув танқислиги маълум даражада юз бериб келди ва бундан буён ҳам юз бериб туради, деб ўйлаймиз. Шуниси муҳимки, табиат инжиқликларига қарши курашиб, сув энг танқис келган йилларда ҳам ерларни зарур миқдорда сув билан таъминлашни ва пахта етиштиришни кўпайтиришни гарантиялайдиган чораларни кўрмоқ керак.

«Биз, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг 1961 йилги январь Пленумида, — қишлоқ хўжалигини табиат инжиқликларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бошқариш имконини берадиган шарт-шароитлар вужудга келтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймоғимиз керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шу тахлитда ташкил этилиши лозимки, у ҳар йили, ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам халқ эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар олишимизни гарантиялаб берсин».

Ҳали биз табиатни бошқаришни ўрганиб олмаган эканмиз, ирригация — суғориладиган деҳқончилик шароитида гарантияланган ҳосил етиштиришнинг энг ишончли воситасидир. Ирригация ишларини амалга оширишимиз учун партия ва ҳукумат бизга кўплаб маблағ ажратиб бермоқдалар. Ана шу ишларнинг ҳажми республикада йил сайин кўлайиб бораётган бўлса ҳам, ажратилаётган капитал маблағлар дуруст ўзлаштирилмаяпти ва янги ерлар қишлоқ хўжалик оборотига сусткашлик билан киритиляпти.

Масалан, ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш плани етти йилликнинг тўрт йили мобайнида Статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, Андижон областида атиги 69 процент, Тошкент областида 65 процент, Фарғона областида 74 процент бажарилди.

Ўтган 1962 йилда Сув хўжалиги министрлиги пландаги 55 минг гектар ўрнига фақат 34,7 минг гектар ерни. «Главголодностепстрой» эса планда мўлжалланган 20 минг гектар ўрнига 16,6 минг гектар ерни тайёрлаб берди.

Бунга яна шуни қўшмоқ керакки, кўпинча аслида ўзлаштириш учун тахт қилинмаган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритиб юборилмоқда, шунинг орқасида бундай ерлар орадан кўп ўтмай пахта етиштириш учун яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Янги ерларни фойдаланишга топшириш соҳасидаги давлат планларини бажаришга нима халақит беряпти? — деган савол туғилади.

Давлат пулни бериб турибди, сув хўжалиги ташкилотларининг техника билан қуролланиш даражаси йилдан-йилга ошиб бораяпти. Кадрлар бор. Хўш, гап нимада?

Гап шундаки, республикада сув хўжалиги қурилишига қилинаётган раҳбарлик савияси ўсиб бораётган талабларга ҳали тўла мувофиқ эмас. Сув хўжалиги қурилишининг суръати ва сифати ҳамма ташкилотларнинг куч-ғайрат сарфлашларига боғлиқдир. Ҳолбуки, улар бир-бири билан тегишли тарзда келишиб иш олиб бормаяптилар. Кўпинча маблағлар ва кучларни йирик ирригация қурилишларини битказиш учун сарфлаш ўрнига, бир йўла кўплаб объектларга сочиб юборилмоқда.

Ана шу камчиликларни иложи борича тезроқ тузатиб, ирригация-мелиорация қурилишига, шунингдек суғориш системаларидан фойдаланишга малакалироқ раҳбарлик қилишни таъминламоқ керак.

Бундай қилиш яна шунинг учун ҳам аниқса муҳимки, етти йиллиқнинг қолган уч йили ичида биз жуда катта ҳажмдаги ирригация ишларини бажаришимиз лозим.

Тошкент ва Сирдарё областларида Чорвоқ сув омбори қурилиши кенг авж олдириб юборилади, Мирзачўлдаги янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, Тошкент канали зонасида суғоришни янада ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

Фарғона водийсида Марказий Фарғона ерлари бундан буён ҳам ўзлаштирила беради, Кампирравот сув омбори қурилиши кенг авж олдирилади, Каркидон сув омбори қуриб битказилади, Косонсой сув омборининг ҳажми кенгайтирилади.

Зарафшон водийсида Каттақўрғон сув омборининг ҳажмини кенгайтириш, Аму — Қорақўл каналини қуриб битказиш мўлжалланади.

Далаларни машинада суғорадиган Аму — Бухоро канали шу йилликда сув хўжалиги қурилишининг энг йирик объектларидан бири бўлиб, уни қуриш мана шу йилнинг ўзидаёқ кенг авж олдириб юборилади.

Сурхондарё областида Жанубий Сурхон, Пачкамар сув омборларини, насос станцияси билан биргаликда Шеробод каналини қуриб битказиш мўлжалланади.

Хоразм областида Тошсоқа каналига сув бериб турадиган бош иншоотни қайта қуриб, ана шу каналга қуйиладиган Туямўйин каналини барпо қилиш планлаштирилмоқда.

Қорақалпоғистон АССРда Амударё бўйидаги Тахиатош гидроузели қурилади, Равшан каналини реконструкция қилиш ишлари тугалланади ҳамда шоликор совхозларнинг ерларини суғориш ва ўзлаштириш давом эттирилади.

Мана шу етти йилликдан кейин тағин ҳам каттароқ ҳажмда сув хўжалиги қурилиши ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Мирзачўлдаги қўриқ ерлар ўзлаштирилгандан кейин Жиззах даштидаги икки юз йигирма минг гектар ерни машинада суғорадиган қилиш тадбирлари белгиланди. Шу мақсадда Норин дарёси бўйида ҳажми 17 миллиард кубометрли Тўқтағул сув омборини қуришга киришилди. Чорвоқ сув омбори қуриб битказилгач, Тошкент областидаги, шунингдек Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги ерлардан 335 минг гектари муқим суғориладиган бўлади. Чирчиқ — Оҳангарон ҳавзасида суғориладиган майдонлар юз минг гектардан зиёд кўпайтирилади. Жанубий Сурхон сув омбори негизида янги массивларни ўзлаштириш ишлари тугалланғач ғоят ҳосилдор ерлар майдони 124 минг гектар ортади.

Амударёнинг мўл-кўл сув ресурсларидан фойдаланиш йўли билан Қарши чўлининг ўзлаштирилиши йил сайин бир миллион саккиз юз минг тоннагача пахта ва кўплаб миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериб турадиган совет пахтачилигининг янги, жуда йирик районини барпо қилишга имкон беради.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив планида Амударё қуйи этакларида — Хоразм области ва Қорақалпоғистон автоном республикасида сув суғориладиган ерларни кенгайтириш соҳасидаги каттакатта имкониятларни ишга солиш мўлжалланади.

Келажакда республикадаги суғориладиган ерлар жами бўлиб 2500-2700 минг гектар кенгаяди. Бундан ташқари, мавжуд суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланишини анча яхшилаш мўлжалланади.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, якин йилларга ва келажакка мўлжалланган сув хўжалиги қурилиши планларимизнинг миқёслари ҳақиқатан ҳам жуда катта.

Ана шу планларни шараф билан бажармоқ учун ҳамма кучларни сафарбар қилишимиз, масалаларни оқилона тарзда ҳал этишимиз, ирригация ишларини пухта уюштиришимиз керак. Сув хўжалиги қурилиши умумпартия, бутун халқ иши бўлиши лозим.

Суғориладиган ерларнинг мелиорациясини яхшилаш ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг жуда муҳим резервидир. Республикамизда шу соҳада баъзи бир ишлар қилинди. Ҳамма областларда Марказий Мирзачўл, Озёрний, Дарёлиқ ва бошқа коллекторлар сингари йирик мелиоратив объектлар қурилди ёки қурилмоқда.

Ҳоразм пахтакорлари мўл ҳосил олиб муваффақиятга эришганликларига кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлдики, улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини лозим бўлган даражада сақлаш билан зўр бериб, астойдил, изчил шуғулланиб келмоқдалар.

Лекин гарчи ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида кўп ишлар қилинган ва сизот сувлар пастлатиб юборилган бўлса ҳам, барибир ҳали ҳам неча минглаб гектар қаттиқ ва ўрта даражада шўр босган ер бор. Бунга сабаб нима?

Бунга сабаб, аввало, шуки, бир қанча жойларда ерларнинг мелиоратив ҳолатига бепарво қараш бизда ҳали ҳам давом этиб келяпти. Мелиорациянинг аҳамиятига етарли баҳо бермаслик ҳолларига чек қўйиш пайти аллақачонлар келган. Мелиорация ишларининг бутун комплексини муттасил суратда амалга оширмасдан туриб, пахта ҳосилдорлигини кўтариш ва ялпи ҳосилини кўпайтириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, буни ҳамма тушуниб оладиган пайт аллақачонлар келган.

Сув хўжалиги министрлиги, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга тааллуқли ҳамма масалаларни оператив тарзда ҳал қилмоқлари керак.

Якин йиллар ичида республика колхоз ва совхозларида қўшимча равишда 1900 километр узунликда хўжаликлараро коллектор шохобчалари қуриш, 5600 километр узунликдаги мавжуд коллектор шохобчасини реконструкция қилиш, 840 минг гектар майдонда хўжаликлар ичидаги коллектор-зовурларни реконструкция қилиш ва янгидан қуриш зарур. Хўжаликлар ичидаги коллектор-зовурларни қайта қуриш соҳасидаги ишларни амалга ошириб, бир миллион 220 минг гектар майдондаги суғориладиган ерларни текислаш керак.

Ерларимизни мелиорация жиҳатидан яхшилашнинг ана шу катта программаси пахта етиштиришни кўпайтириш учун қурашнинг умумий планига киради ва бу программа сўзсиз бажарилиши шарт.

Бироқ, шуни назарда тутмоқ керакки, биз сувнинг жуда қаттиқ тежаб-тергаб ишлатилишига эришмасак, ирригация-мелиорация қурилиши соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширганимизда ҳам, колхоз ва совхозларни сув билан таъминлаш проблемасини тўлиқ ҳал қила олмаймиз.

Биз ҳар йили экинларни суғориш вақтида сувнинг исроф қилиб юборилишидан иборат кишини ғазаблантирувчи жуда кўп фактларга дуч келяпмиз. Кўлланиб суғориш сингари зарарли практика ҳали ҳам содир бўлиб турибди. Сувнинг кўп қисми ташлаб юборилмоқда ва тупроққа шимилиб нобуд бўлиб кетмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланишдаги исрофгарчиликка бундан буён чидаб бўлмайди.

Тажриба шуни яққол исботлаб турибдики, сувдан сариштали фойдаланаётган тадбиркор хўжаликлар бир хилда ва ҳатто камроқ миқдорда сув билан таъминланганлигига қарамай, сув билан яхшироқ таъминланган хўжаликлардан нисбатан мўл ҳосил етиштириб келяпти.

Ўтган йили сув билан 66 процент таъминланган Навоий районида гектар бошига 12,3 центнер ҳосил етиштирилди, ваҳоланки, сув билан 63 процент таъминланган қўшни Ғиждувон районининг деҳқонлари бунга қараганда икки баравар кўп ҳосил олишди.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Полярная звезда» колхози (правление раиси ўртоқ Ким Пен Ҳва) нормага нисбатан 97 процент сув олиб, пахта тайёрлаш планини 111,6 процент бажарди, шу бошқармадаги Ленин номли колхоз (раиси ўртоқ Ким Тян Се) эса нормага нисбатан 123 процент сув олгани ҳолда, пахта тайёрлаш планини атиги 68,8 процент бажарди.

Демак, ҳамма гап сувни қандай қилиб тақсимлашда, ундан қандай қилиб фойдаланишдадир.

Биз, сувни сарфлашда қаттиқ тартиб ўрнатишимиз, энг яхши сувчилар тажрибасини кенг пропаганда қилишимиз ва айни маҳалда хўжасизликка йўл қўйиб, халқ бойлигига жиноятқорона равишда бепарволик билан қараётган кишиларни жуда қаттиқ жавобгарликка тортишимиз керак.

Пахта етиштиришни янада кўпайтириш манфаатлари суғоришда механизацияни ва янги усулларни қатъият билан жорий этишни талаб қилади.

Мирзачўлни ўзлаштириш тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, суғоришнинг темир-бетон новлар, босим билан ишлайдиган қувурлар орқали сув тараш, суғориш участкаларида гидрантлардан фойдаланиш, ихчам шланглари ишлатиш, каналларнинг тупроқли ўзанларига полиэтилен пардалар қоплаш, сунъий ёмғир ёғдириш ва шу каби бошқа усуллари жуда катта афзалликларга эгадир. Суғоришнинг янги, прогрессив усулларига қатъият билан ўтмоқ керак.

Бу ўринда шуни айтмаслик мумкин эмаски, бизнинг илмий-тадқиқот ташкилотларимиз, чунончи, Сув проблемалари ва гидротехника институти, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси пахтакорлардан ғоят қарздор бўлиб қолишмоқда.

Эгатлаб суғоришни, сунъий ёмғир ёғдириш методи билан суғоришни механизациялаш имконини берадиган машиналар, тупроқ остидан суғорувчи осма машина жуда сусткашлик билан ишлаб чиқилмоқда ва ишлаб чиқаришга суст жорий қилинмоқда.

Ирригация системаларини бошқаришни автоматлаштириш ва телемеханизациялаш сингари ҳаётий муҳим вазифалар билан боғлиқ бўлган масалалар, аслини олганда, Сув проблемалари ва гидротехника институтининг биносидан ҳали ташқарига чиққани йўқ.

Илмий тадқиқот ташкилотлари, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ниҳоят пахтачиликка эътибор бериб, янги машиналар ва приборларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан астойдил шуғулланишлари лозим.

Биноборин, ирригация ва мелиорация соҳасидаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

биринчидан, тезроқ, яхшироқ, арзонроқ қуриш, шу мақсадда қурилиш фанининг ҳамма муваффақиятларидан, механизмнинг ва ишларни ташкил этишнинг илғор методларидан фойдаланиш учун Сув хўжалиги министрлигига қарашли қурилиш ташкилотларининг ишини анча яхшилашимиз;

иккинчидан, ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш графикларини тузишни партиянинг қундалик контроли остига олишимиз ва бу графикларнинг пухта бажарилишини таъминлашимиз;

учинчидан, сув системаларидан фойдаланишни тамомила яхшилашимиз, уларни жуда яхши ҳолатда сақлашимиз сув системаларини реконструкциялаш, гидротехника иншоотларини ремонт қилиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишимиз; ирригация-мелиорация шоҳобчасини ўз вақтида тозалаш бузилмас қонун бўлиб қолишига эришишимиз;

тўртинчидан, ерларнинг мелиорациясини яхшилаш билан кун сайин шуғулланишимиз: Сув хўжалиги министрлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ернинг мелиорация ҳолатини аъло даражада сақлаш тўғрисидаги ҳамма талабларга риоя қилинишида темирдек интизом ўрнатишлари, мелиорацияга тааллуқли ҳамма масалаларни ишнинг кўзини билиб оператив ҳал қилишлари;

бешинчидан, сув хўжалиги органларини малакали ходимлар билан мустаҳкамлашимиз, сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш системасини қайта қараб чиқишимиз, республика суғориш системаларига хизмат кўрсатувчи ҳамма категориядаги ходимлар контингентини кўпайтиришимиз ва ана шундай ходимлар етиштириш сифатини яхшилашимиз керак.

Халқда «Ер — ҳазина, сув — гавҳар» деган гап бор.

Кишиларимизга битмас-туганмас бойлик келтираётган ана шу гавҳарни ардоқлаш — бизнинг бурчимиздир.

АГРОТЕХНИКАНИ ЯХШИЛАЙЛИК, ПАХТАНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг 1962 йилдаги ноябрь Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг докладида пахтачиликдаги ишларнинг аҳволини анализ қилиб, пахта етиштиришни кўпайтиришнинг пахта ҳосилдорлигини ошириш сингари жуда катта резервига эътиборни яна жалб қилди.

Ҳар бир колхоз ва совхоз гектар бошига камида 25 центнер пахта оладиган бўлиши керак. Мана шундай ҳосилдорликка эришиш пахтачиликдаги туб масаладир. Фақат шу йўл билангина бизда мавжуд майдонларнинг ўзида, мавжуд меҳнат ресурсларини ишга солиб, мавжуд маблағлар ва минерал ўғитлардан фойдаланиб, пахта етиштиришни анча кўпайтиришимиз мумкин.

Республикамизда йил сайин пахтадан мўл ҳосил олаётган хўжаликлар оз эмас.

Ҳатто, пахтачилик учун жуда ноқулай келган ўтган йилнинг ўзида ҳам масалан, Янгиариқ районида гектар бошига 34,8 центнердан, Қўшқўпир районида ўттиз бир центнердан зиёдроқ, Оржоникидзе районида 28,7 центнердан, Тўрткўл районида қарийб 28 центнердан, Шўрчи районида 26,4 центнердан пахта олди.

Республикада 242 колхоз ва совхоз гектар бошига 25 центнердан ошириб, шулардан 89 хўжалик 30 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта олди.

Шу хўжаликларнинг тажрибаси 25 центнерлик маррага эришиш ҳар бир колхоз ва совхоз учун жуда реал вазифа эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Кўп хўжаликларда ва умуман республикада бу вазифа, афсуски, ҳали ҳал қилингани йўқ.

Кам ҳосилли хўжаликларнинг кўплиги ишимиздаги жуда жиддий камчиликдир. Агар биз бу камчиликни тугатмас эканмиз, пахта етиштиришни кўпайтириб, етти йиллик планда кўрсатилган миқдорга етказамиз, деб ҳар қанча гапирсак ҳам, бу гапимиздан натижа чиқмайди.

Республика колхозлари ва совхозлари 1962 йилда қилинган ишларни якунлаб ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш чораларини белгилаб, 1963 йил учун ўз марраларини мўлжаллаб қўйдилар. Гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил олаётган 766 колхоз ва совхоздан 508 таси бу йил ҳосилни гектар бошига 25 центнерга етказишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Партия ва совет органлари, ишлаб чиқариш бошқармалари шу хўжаликларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришларига ёрдамлашмоқ учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Деҳқончилик маданияти оширилган, ғўзани парвариш қилиш агротехникаси тўбдан яхшиланган, фан, техника муваффақиятлари ва илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга ҳамма жойда кенг жорий қилинган тақдирдагина, ҳосилдорликни ошириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Маълумки, ерни кузда шудгор қилиб қўйиш мў

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда)

Бегона ўтлар бўлмаган ерларга, қайроқи ерларга чигитни қаторлаб экиш мумкин албатта.

Лекин ғўза тупларининг қалинлигини чигитни квадрат-уялаб экиш усулига қарама-қарши қилиб қўйиш ярамайди.

Чигитни квадрат-уялаб экишнинг прогрессив аҳамияти борлиги аллақачон исбот қилинди. Илғор районлар, колхозлар ва совхозлар чигитни квадрат-уялаб экишнинг ҳамма имкониятларидан тўғри фойдаланиш йўли билан мўл ҳосил олмоқдалар.

Квадратлар ҳам яхши бўлиши керак, ғўза тупларининг қалинлиги ҳам яхши бўлиши керак, ҳар бир гектар ғўзамиз ҳам тўлиқ бўлиши керак.

Чигитни квадрат-уялаб экишнинг ва ғўзаларни шу тартибда жойлаштиришнинг ҳар бир хўжалик учун энг рационал схемасини белгилаб олиш пайти келди. Шундай қилганда, механизмлардан тўлиқ фойдаланиш, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, энг кўп ва арзон пахта олиш имконияти туғилади.

Ҳар бир уяга белгиланган миқдорда чигит ташлаб экиш усулининг аҳамиятини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман. Аниқ экиш деб аталган бу усул пахтачиликда техникани тараққий эттиришнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Бу усул ғўзя тупларини ғужлаб қўйиш — букетлаш сингари меҳнатни энг кўп талаб қиладиган ишни батамом йўқотишга имкон беради.

Чигит экишнинг бу прогрессив усулини ҳамма жойда ва жуда яхши натижа берадиган қилиб жорий қилмоқ учун олимларимиз қунт билан ишлашлари керак. Улар чигитни аниқ эккан ҳолда чигитларнинг далада униб чиқишини анча оширмоқ, ғўзаларни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилмоқ учун чигитларни экишга тайёрлаш усулларини такомиллаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришлари лозим.

Ғўзани яганалаш ва қатор ораларини биринчи ишлаш ғўзани парвариш қилиш ишидаги жуда масъулиятли даврдир. Яганалашни заррача бўлса ҳам кечиктириб юбориш ғўзанинг ривожланиш даври бошланишини орқага суриб юборади ва, бинобарин, кўсакларнинг кечикиб очилишига ва ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Фан ҳам, практика ҳам бунга исботлаб берган.

СоюзНИХИнинг маълумотларига қараганда, яганалашнинг 10 кун кечикиб қолиши пахтанинг ҳосилдорлигини 20 процентгача камайтиради. Аммо, бизнинг кўп колхозларимиз ва совхозларимиз бу муҳим агротехника тадбирини ўн кун эмас, балки анча кўп кечиктириб ўтказмоқдалар Чунончи Тошкент ва Самарқанд областларида ўтган йил ғўзаларни яганалаш июнь ойининг охиригача чўзилиб кетди, қолган областларда эса май ойининг охиригача давом қилди.

Яганалашни ва букетлашни ўз вақтида тамомлаш учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Ғўзаларнинг жуда сийракланиб кетиши ҳар бир гектарнинг тўлиқ бўлишига жуда ёмон таъсир қилади. Кўп колхозлар ва совхозлар бундан жуда катта зарар кўрмоқдалар.

Пахта майдонининг ҳар бир квадрат метрида мўл ҳосил олишни таъминлайдиган миқдорда ғўза бўлиши учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Далаларда бегона ўтларнинг бўлмаслиги деҳқончилик маданиятининг юксаклигини кўрсатувчи белгиларнинг биридир.

Бизнинг далаларимизга, айниқса Тошкент, Бухоро областларининг, Қорақалпоғистон Автоном республикасининг далаларига бир назар солиб кўрингчи, ўртоқлар. Бегона ўтлар ғўзани бўғиб қўйганини кўрасиз. Андижон ва Фарғона областларида ҳам кейинги вақтларда далаларда бегона ўтлар жуда кўпайиб кетди.

Бегона ўт — ҳосилнинг энг ёвуз душмани, пахта териш машинасининг энг ёвуз душмани.

Далаларимизни ўт босиб кетишига хотима бериш пайти келди. Ғўзаларни ва бошқа экиларни бегона ўтлардан ҳамиша тоза ва топ-тоза қилиб қўйиш деҳқончилигимизнинг қонуни бўлиб қолиши лозим.

Бегона ўтларни қўл билан ўтоқ қилишдан бундан буён қутулиш учун гербицидларнинг роли ғоят катта. Кейинги йилларда республиканинг илмий муассасаларида гербицидларнинг баъзи турларини қўлланиш тажрибалари ўтказилмоқда. Бу гербицидлар бегона ўтлар сонини бир неча баравар камайтиради, бир қанча қолларда эса бир йиллик бегона ўтларни батамом йўқ қилиб юборади.

Пахтачиликни мана шундай гербицидлар билан таъминлаш энг зарур вазифадир. Шу билан бир вақтда кўп йиллик бегона ўтлар билан курашмоқ учун, шунингдек ғўза ўсаётган даврда бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган гербицидлар топиш мақсадида илмий тадқиқот ишларини ҳам кучайтириш зарур.

Ҳозирча бундай гербицидлар бизда йўқ. Демак, бегона ўтлар билан курашмоқ учун ҳамма воситаларни ишга солиш керак.

Ўғитлардан тўғри фойдаланиш ҳосилдорликни оширишни таъминлайдиган энг кучли воситадир.

Халқимизнинг «Ерга қарасанг боғ бўлади, қарамасанг юрагингга доғ бўлади» деган ҳикматли гапи бор.

Партия ва ҳукумат пахта районларига жуда кўп миқдорда минерал ўғитлар бермоқда. Кейинги ўн йил ичида республикага етказиб берилаётган ўғитларнинг миқдори қариб икки баравар кўпайди.

Илғор колхозларимиз ва совхозларимиз минерал ўғитлардан тўғри ва самарали фойдаланиб, ерга солинган азотнинг ҳар килограмми эвазига 15-20 килограмм пахта олмоқдалар.

Лекин бу қимматли тажриба яхши ёйилмаётир. Шунинг учун ҳам кўпгина хўжаликлар ҳар бир килограмм азот эвазига фақат 5-6 килограмм пахта олаётганликлари тасодифий эмас.

Бунинг сабаби шуки, мазкур хўжаликларнинг раҳбарлари минерал ўғитларни сақлаш ва улардан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Кўпинча колхозлар, совхозлар ва бригадаларда минерал ўғитларни қўлланиш планлари йўқ, бу ўғитлар ернинг унумдорлиги ва планлаштирилган ҳосил ҳисобга олинмай солинмоқда, турли ўғитларнинг нисбати тўғри бўлишига эътибор қилинмаётир, ўғитлар ўз вақтида, керакли равишда чуқур қилиб солинмаётир.

Партия ва совет органлари, ишлаб чиқариш бошқармалари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бу ишда қаттиқ тартиб ўрнатишлари керак. Минерал ўғитларни ерга солишда фан ва практика муваффақиятларига асосланиб ишлаб чиқилган тавсияларни албатта ҳисобга олиш керак.

Илғор хўжаликларда бутун йил учун мўлжалланган фосфор ва калийни ҳамда азотли ўғитларнинг анча қисмини чигит экиш олдидан ерга солмоқдалар, минерал ўғитларнинг қолган қисмини эса ғўзани биринчи культивация қилиш вақтида ерга солмоқдалар, шу тариқа улар жуда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Кўп колхозлар ва совхозларда бу тажрибага аҳамият берилмаётганлигининг сабаби нима?

Биз ғўзани ёшлигида қондириб озиқлантиришни ўрганишимиз керак. Бу эса ғўзанинг ривожланишини анча жадаллаштиради, ҳосилнинг эрта етилиши ва мўл бўлишига имкон беради. Биз ғўзаларни кечиктириб озиқлантиришдан қатъиян воз кечишимиз лозим.

Маҳаллий ўғитлар ҳам пахта ҳосилдорлигини оширишнинг жуда катта резервидир. Хоразм пахтакорлари, шунингдек Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхози, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхози, Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози ва бошқа шулар сингари кўпгина илғор хўжаликлар буни ўз тажрибаларида яққол исбот қилдилар. Улар гўнгнинг фойдаси катталигини яхши билиб, минерал ўғитларни гўнг билан аралаштирмай солганда кўнгилдагидек натижа бермаслигини тушуниб, экинларни кўп миқдорда гўнгламоқдалар.

Ҳамма жойда гўнгларни тўплашни, тўғри асрашни ва ерга солишни ташкил этиш, ҳар бир колхоз ва совхозда махаллий ўғитлардан тўла фойдаланиш керак. Бу — энг муҳим вазифаларнинг биридир. Кимки, маҳаллий ўғитларни мана шундай кўпайтирса, унинг албатта мўл ҳосил олиши турган гап.

Академик Дмитрий Николаевич Прянишников бундай деб ёзган эди: «Ўрта Осиё хўжаликларида минерал ўғитларнинг мавжуд миқдори билан ҳосилни икки баравар кўпайтирмоқ учун чорва боқишни ва гўнг етиштиришни тўғри ташкил қилиш зарур».

Гўнг ва бошқа органик ўғитлар қандай сақланаётганлиги ва улардан қандай фойдаланилаётганлиги колхозлар ва совхозларда хўжаликка раҳбарлик қилиш қай даражада эканлигини кўрсатувчи белги деса бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати таркибида марганец, молибден, мис, бор, рух каби микроэлементлар бўлган минерал ўғитларни ишлаб чиқиш ва практикага жорий қилишга катта аҳамият бермоқдалар.

Бир вақтлар республикамизда микроэлементларни пахтачиликда самарали қўлланиш масаласини ўрганиш билан шуғулланилган эди, лекин кейин, нима сабабдандир, бу иш ташлаб қўйилди.

Ҳозирги вақтда Генетика ва ўсимликлар физиологияси институтининг, Тошкент Давлат университетининг ва СоюзНИХИнинг баъзи илмий ходимлари микроэлементларнинг пахта ҳосилдорлигига ва чигитдаги мойнинг кўпайишига таъсирини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш шароитида яна тажрибалар ўтказишга киришдилар. Баъзи микроэлементларни ишлатиш пахтанинг ҳосилини оширганлигини ва ғўзанинг вилт билан оғришини камайтирганлигини кўрсатувчи маълумотлар бор.

Бу тажрибаларга тағин ҳам кенг йўл очиб бериш, лаборатория тадқиқотларидан колхозлар ва совхозлар далаларига чиқиб тажрибалар ўтказишга дадил киришиш керак.

Пахтадан мўл ҳосил олиш ва кўсакларнинг барвақт очилишини таъминлаш учун курашда қўлга киритиладиган натижаларнинг кўпи ғўзаларни вегетация даврида суғоришни тўғри ташкил қилишга боғлиқ.

Ғўзани вегетация даврида суғориш жуда нозик иш. Бу ишда шаблон асло кетмайди. Бу ишда катта маҳорат керак, пахтакорларимизнинг ўн йиллардан бери тўплаган жуда катта тажрибаларининг ҳаммасини ҳисобга олиб, чинакам ижодкорлик билан ишлаш талаб қилинади. Ҳар бир даладаги ғўзаларнинг тобига қараб уларни ўз вақтида, яхши сифатли қилиб, жуда қониқтириб суғориш керак. Бундай суғориш ҳосилни 20-25 процент кўпайтиради, нотўғри суғориш эса, ҳосилдорликни анча камайтириб юборади.

Ғўзаларни суғориш билан культивация қилишни бир-бирига тўғри боғлаб олиб боришнинг аҳамияти катта.

Илмий ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, ернинг тоби етилганидан кейин икки кун ўтказилиб культивация қилинганида, ғўзанинг ҳосили 28 процентгача камайиб кетганлиги, тўрт кундан кейин культивация қилинганида эса, ҳосил 35 процентгача камайиб кетганлиги маълум бўлди.

Шу сабабли, илғор хўжаликлар ва бригадалар ғўзалар суғорилиб, ернинг тоби етилганидан кейин культивацияни заррача кечиктириб юборишга йўл қўймайдилар.

Ҳамма колхозлар ва совхозлар, ҳамма бригадалар буни ўзларига қоида қилиб олишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва ғўза касалликларига қарши самарали курашиш жуда муҳим вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, чунки зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар ҳар йили кўп миқдорда пахтани нобуд қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликлар тарқалиб кетиши учун ўзимиз айблимиз.

Бундай бир савол туғилади. Избоскан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «ХХ партсъезд» колхозида нима учун қишлоқ хўжалик зараркунандалари бўлмайди? «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Малик», «Ҳазорбоғ» совхозларида, Тошкент областининг «Политотдел», «Северний маяк» колхозларида, Фарғона областининг «Москва» колхозида, Сурхондарё областининг «Коммунизм» колхозида ва бошқа бир қанча хўжаликларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари жуда камайиб кетганлигининг сабаби нима?

Бунинг сабаби шуки, мазкур хўжаликларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалик зараркунандаларига нисбатан кўз-қулоқ бўлиб турадилар, чигит экишдан олдин қама майдонларга дори сепиб чиқадилар, ҳашаротларнинг кўпайишига йўл қўймайдилар, далаларда ҳашаротлар пайдо бўлмаслиги учун уларнинг йўлига қаттиқ ғов солиб қўядилар.

Зараркунанда ҳашаротларга қарши курашмоқ учун давлат биз химиявий дориларни тобора кўпроқ бермоқда. Тракторлар билан ишлайдиган аппаратларимиз, самолётларимиз ҳашаротларга қарши курашиш учун етарли Республикада қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашувчи мутахассисларимиз кўп. Демак, ҳосилни ҳашаротлардан ва касалликлардан тўла равишда сақлаб қолиш учун ҳамма имкониятларимиз бор. Бутун гап, бу имкониятлардан тўғри фойдаланишда қолган.

Вилтга қарши кураш масаласи шу вақтгача ҳал қилингани йўқ. Аммо, Хоразм областининг кўпгина хўжаликларида. Тўртқўл районида, «Совой» ва «Пахтаорол» совхозларида, бошқа бир қанча колхозлар ва совхозларда ғўзаларнинг вилт билан оғриганлигини кўрмайсиз. Демак, бу касалликни юқтирмаслик мумкинми? Мутлақо мумкин!

Бизнинг олимларимиз илғорларнинг тажрибаларини чуқур ўрганишлари ва вилтга қарши курашиш учун таъсирли чораларни ишлаб чиқишлари, аниқ тавсиялар беришлари лозим.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўсимликларни ҳимоя қилиш институти кўп йиллардан бери бу проблема билан шуғулланиб келаётган бўлса ҳам, лекин керакли натижаларга ҳозирча эришгани йўқ, чунки бу иш назарий жихатдан паст даражада олиб борилмоқда, бу иш илғорлар тажрибасидан ажралган ҳолда ташкил этилмоқда. етарли равишда кенг миқёсда олиб борилмаётир.

Вилтни енгиш қўлимиздан келади. Биз вилтни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам енгишимиз лозим.

Деҳқончилик маданиятини оширишни ва пахтанинг ҳосилдорлигини тўхтовсиз кўпайтиришни таъминлайдиган агротехника тадбирларининг бутун системасини муваффақиятли равишда амалга оширмоқ учун қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ролини ва масъулиятини сўзда эмас, балки амалда кўтариш керак.

Биз уларнинг фикрига диққат билан қулоқ солишимиз, уларни тез-тез тўплаб маслаҳатлашиб туришимиз, уларга ёрдам беришимиз, самарали ишлаш учун уларга бутун шарт-шароитни яратиб беришимиз лозим. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари пахтачиликни янада юксалтириш учун олиб борилаётган курашдаги жангчиларнинг олдинги сафида турган отрядидир.

Барча қишлоқ хўжалик муассасаларимиздаги, шу жумладан илмий тадқиқот муассасаларимиздаги коллегияларнинг, илмий кенгашларнинг ва бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишнинг аҳамияти жуда катта.

Шундай қилиб, агротехника соҳасидаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мутахассисларнинг фикрини ҳурматлашимиз, уларнинг ролини сўзда эмас, балки амалда оширишимиз, уларга таяниб ишлашимиз, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини мутахассисларнинг ёрдами билан ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишимиз; илмий тадқиқот муассасалари таянч пунктларининг ишларини тубдан яхшилашимиз лозим.

Иккинчидан, ерни яхши сифатли қилиб ўз вақтида шудгор қилиб қўйиш ҳамма колхозлар ва совхозлар учун қонун бўлиб қолиши лозим.

Учинчидан, далаларни яхшилаб текислаб қўйиш ва ерларнинг шўрини ўз вақтида ювиб тозалаш, чигит экиш олдидан тупроқни яхшилаб ишлаш, чигитни энг яхши муддатларда экиб олиш, ернинг табиий нами билан ғўзаларнинг бир текисда ва соғлом бўлиб униб чиқишини таъминлаш, далаларда ғўза тупларининг зарур миқдордаги қалинлигини пахта йиғими бошланғунча сақлаб қолишга эришиш лозим. Бу тадбирлар гектарнинг тўлиқ бўлишини ва пахтадан мўл ҳосил олишни таъминлайдиган муҳим гаровдир.

Тўртинчидан, ғўзани парвариш қилиш ишларининг ҳаммасини — яганалашни, суғоришни, қатор ораларини юмшатишни, озиқлантиришни, бегона ўтларни йўқотиш ишларини ўз вақтида ўтказиш керак. Ҳосилнинг тақдири мана шу ишларнинг сифатли қилиб ўтказилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша эсда тутиш керак.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалик зараркунанда ҳашаротларига кўз-қулоқ бўлиб туриш, чигит экиш олдидан далаларни ўз вақтида доролаш ва бошқа лозим бўлган ишларни ўтказиш, ҳашаротларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик, ҳашаротлар пайдо бўлиши билан дарров уларни қириб ташлаш, ғўзанинг вилт ва бошқа касалликларига қарши актив курашиш керак.

Биз аминмизки, мутахассисларимиз, олимларимиз, ишлаб чиқариш бошқармаларининг, партия ва совет органларининг ходимлари, барча пахтакорларимиз ҳозирги замон агротехникасининг ҳамма талабларини юксак савияда бажарадилар, пахтадан мўл ҳосил олиш учун қунт билан ҳормай-толмай кураш олиб борадилар.

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРАЙЛИК

Селекция ва уруғчилик масалалари пахта агротехникаси билан мустаҳкам, чамбарчас боғланган-дир. Юқори сифатли пахта етиштиришни кўпайтириш вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жихатдан ана шу ишнинг даражасига боғлиқдир. Халқда қадимдан «Ёмон уруғликдан яхши ҳосил кутма» деган маталнинг борлиги бежиз эмас.

Мичурин агробиология фанининг муваффақиятлари асосида бизнинг мамлакатимизда пахтанинг бир қанча яхши сортлари етиштирилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Кейинги вақтларда республикада пахтачилик бўйича элит-уруғчилик иши бирмунча яхшиланди. Бунга Ўзбекистон ССР Олий Совети 1960 йил ноябрь ойида қабул қилган «Ўзбекистон ССРда пахта уруғчилиги тўғрисида»ги махсус Қонун муайян даражада ёрдам берди Бу Қонун жиддий давлат интизомини ўрнатди ва уруғчилик ишининг ҳолати учун хўжалик раҳбарлари масъулиятини оширди. 1961 йилдан бошлаб иккинчи ва учинчи репродукциядаги юқори сифатли чигитлар етиштирганлик учун ҳукумат томонидан колхоз ва совхозларга қўшимча ҳақ белгиланганлиги ижобий роль ўйнади.

Биз мамнуният билан айта оламизки, эндиликда пахтанинг асосий саноат сортлари — «108-ф» ва «138-ф» сортлари бўйича ҳукумат белгилаган муддатда чигитларни янгилашнинг беш йиллик схемаси амалга оширилмоқда.

Амалда бунинг маъноси нима?

Бунинг маъноси шуки, агар илгари пахта майдонларининг анчагина қисмига бешинчи, олтинчи ва ҳатто еттинчи репродукциядаги чигитлар экилган бўлса, 1962 йилда асосий сортлар бўйича паст репродукцияли уруғлар фақат кичик майдонларгагина экилди.

Ҳозир бизда элит ва биринчи репродукцияли чигит етиштираётган қиркдан ортиқ элит-уруғчилик хўжаликлари, иккинчи ва учинчи репродукцияли чигит етиштирувчи 274 хўжалик бор.

Бир қанча уруғчилик хўжаликларимиз яхши ишламоқда. Тошкент областида «Қизил Ўзбекистон», Фарғона областида «Правда», Андижон областида «Гигант», Самарқанд областида Крупская номли, Хоразм областида «Победа», Қорақалпоғистон АССРда Оржоникидзе номли, Бухоро областида «Гулистон» колхозлари, Сурхондарё областида «Ҳазорбоғ» совхози ва бошқа хўжаликлар мўл ҳосил ва жуда сара чигит етиштирмоқдалар.

Бироқ селекция-уруғчилик ишида бир қанча жиддий камчиликлар бор.

Пахтанинг ҳозирги мавжуд баъзи сортлари эскириб қолмоқда, юқори сифатли пахта етиштиришни кўпайтириш вазифаларига тўла мос келмаётир. уларнинг ўрнини босадиган сортлар эса жуда суст кашлик билан яратилмоқда.

Баъзан илмий тадқиқот ташкилотлари тўла ишланмаган сортларни кўпайтириш учун юборишмоқдалар, дастлабки кўпайтириш амалга оширилиб, бу ишда баъзи хўжаликларда эса сорт агротехникасига риоя қилинмаётир, технология анализларини ўтказиш қоидалари бузилаётир.

Республикада ўз хизматини ўтай олмаётган элит хўжаликлари ҳам бор. Бу гап, хусусан, элита ва биринчи репродукцияли чигит етиштириш агротехникаси муттасил бузилиб келаётган Гулистон, Чимбой, Навоий, Охунбоев элит-уруғчилик хўжаликларига тааллуқлидир.

Бизда уруғчилик ишининг аҳамиятини тушунмаётган ёки тушунишни истамаётган колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳам учрайди. Улар элит-уруғчилик хўжаликлари учун нормал шароит яратиб бермаётирлар, уларни бинолар, асбоб-ускуналар, инвентарлар билан, мутахассисларни эса уй-жой билан таъминламаётирлар.

Пахтачиликнинг истиқболи ҳақида ўйламайдиган қалтабин ходимгина уруғчилик ишини ташкил этишга менсимасдан қараши мумкин.

Бизда пахта сортларини районлаштириш ва жойлаштириш соҳасида шу вақтгача жиддий тартиб ўрнатилгани йўқ. Партия ва совет органларининг раҳбарлари текшириб кўрилмаган сортларни етарли асос бўлмагани ҳолда экишга йўл қўймоқдалар.

Пахта тозалаш заводларида уруғлик пахтани қайта ишлаш соҳасидаги аҳволни ҳам яхши деб бўлмайди. Бу пахта кўпинча техника мақсадлари учун ишлатиладиган пахта сингари қайта ишланади, натижада чигит майдаланиб, заҳа бўлиб қолади. Элита ва биринчи репродукцияли чигит берадиган пахта умумий потокда қайта ишланмоқда. Сортларни механик тарзда аралаштириб юборишлари, бу эса бутун уруғчилик ишига зарар етказади.

Биз пахтачиликни янада юксалтиришнинг негизи бўлган пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги юзасидан олиб борилаётган ишлардаги ҳамма камчиликларни қатъият билан ва мумкин қадар тезроқ бартараф этишимиз керак.

Пахтанинг янги, серҳосил, тезпишар, вилт касаллигига чидамли, машина теримига мосланган, яхши саноат сифатларига эга бўлган сортларини яратиш — олимларимизнинг шарафли вазифасидир.

Г. С. Зайцев, Е. Навроцкий, Р. Р. Шредер, Л. В. Румшевич, Г. И. Гаврилов, Л. А. Туркс сингари атоқли селекциячиларнинг хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Республикада селекция-уруғчилик ишини ривожлантиришга катта меҳнат сарфлаган кекса пахтакор олимларимиз А. И. Автономов, С. С. Канаш, Б. П. Страумал, А. Д. Дадабоев ва бошқа селекциячилардан биз ғоят миннатдормиз. Шубҳа йўққи, улар пахта селекцияси соҳасидаги яхши ишлари билан Ватанни яна кўп марта қувонтирадилар.

Шу билан бирга республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги, унинг селекция институти юқори малакали селекциячи-уруғчи кадрлар етиштириш ишини кескин яхшилаши зарур. Фанда ёш, қобиличли селекциячи-уруғчилар ўсиб келиши керак.

Академик Трофим Денисович Лисенко қишлоқ хўжалик экинлари наслини бошқариш масалаларига бағишланган илмий конференцияда пахтачилик соҳасида ишлаётган селекциячиларга бир қанча қимматли маслаҳатлар берди. Бизнинг селекциячиларимиз ана шу жуда муҳим маслаҳатларга амал қилишлари керак.

Фан олдига катта талаблар қўяр эканмиз, биз илмий тадқиқот муассасаларига, селекция ва уруғчилик соҳасида ишлаётган олимларга самарали ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб беришимиз керак.

Пахтанинг янги сортларини, айниқса тезпишар, вилтга чидамли ва серҳосил группадаги сортларни дастлабки кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасидаги ишларни тубдан яхшилаш, уларни колхоз ва совхоз далаларида кенг ишлаб чиқариш синовидан ўтишини ташкил этиш, уларни кўпайтириш зоналарини белгилаш керак.

Ҳамма элит-уруғчилик хўжаликлари ишини кескин яхшилаш, уларнинг 1963 йилда колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши учун мумкин қадар кўпроқ аъло сортли чигит етиштириб беришларига эришиш лозим.

Шундай қилиб, селекция ва уруғчилик соҳасидаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборатдир:

биринчидан, пахтанинг янги сортларини — янада мўлроқ ҳосил берадиган, тезпишар, касалликларга бардошли, тегишли технология сифатларига эга бўлган кўп тола берувчи, ғўзани ишлаш соҳасидаги ҳамма процессларни механизациялаш ва ҳосилни машинада териш талабларига жавоб берувчи сортларни яратиш юзасидан селекциячилар ва генетиклар фаолиятини ҳар тарафлама активлаштириш ва уларнинг кучғайратини бирлаштириш керак;

иккинчидан, барча партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозлар, пахта тозалаш саноати корхоналари раҳбарларининг эътиборини уруғчилик ишига қаратиш. ҳамма элит-уруғчилик хўжаликларида ишнинг намунали йўлга қўйилишига эришиш зарур.

Шубҳа йўққи, селекциячиларимиз, колхоз ва совхозлардаги мутахассислар, пахта тозалаш саноатининг ходимлари селекция-уруғчилик иши даражасини янада юқори кўтарадилар ва пахта етиштиришни кескин кўпайтириш учун курашга муносиб ҳисса қўшадилар.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Комплекс механизация пахтачиликни янада ривожлантириш вазифаларининг ҳаммасини ҳал қилишнинг калитидир.

Буни КПСС Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев бизга ҳамиша эслатиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматлинг жуда катта ёрдами билан пахтачиликда чинакам техника революцияси рўй берди. Республикамизнинг колхозлари ва совхозлари янги техника билан тўхтовсиз таъминланмоқда. Бунинг учун партия ва ҳукуматдан чексиз миннатдормиз.

Колхозлар ва совхозларда техниканинг кўпайганлиги ер ҳайдашни, экишни, ғўзани культивация қилишни тўла механизациялашга, пахтани қоп-қаноросиз ташишни жорий қилишга имкон берди. Хўжаликларда, айниқса илғор хўжаликлар ва бригадаларда пахта ва кўракни териб олиш ишлари тобора кенг машиналашмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга имкон берди. Пахтанинг ҳар бир центнерини етиштиришга 1958 йилларда 70 соат ўрнига 1961 йилда 47 соат меҳнат сарфланди. Илғор хўжаликларда меҳнат унумдорлиги тағин ҳам юксак даражага кўтарилди, бундай хўжаликларда пахтанинг ҳар бир центнерини етиштиришга 15-20 соат, энг яхши бригадаларда эса 7-10 соат меҳнат сарфланмоқда.

Машиналардан моҳирлик билан фойдаланиш ғўзани парвариш қилиш ишларининг ҳаммасини энг яхши, қисқа муддатларда юқори сифатли қилиб ўтказишга имконият бермоқда, пахта етиштиришни кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Мисол учун «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини олиб кўрайлик. Бу совхозда комплекс механизация дадил жорий қилинмоқда. Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида бу совхозда ҳар бир гектардан олинаётган пахта ҳосили 20,6 центнердан 30,2 центнерга етказилди. яъни бир ярим баравар кўпайтирилди. шу давр ичида пахтанинг ҳар бир центнерини етиштиришга сарф бўлаётган вақт 53 соатдан 18 соатга туширилди, яъни уч баравар камайтирилди.

Техника бизга шундай натижалар бермоқда.

Ғўзани парвариш қилиш ишларининг ҳаммасини. шу жумладан ғўзани суғориш, бегона ўтларга қарши кураш сингари ишларни ҳам янада механизациялаш меҳнат унумдорлигини тағин ҳам оширишга, пахта етиштириш учун сарф бўлаётган меҳнатни камайтиришга, мўл ҳосил олиш учун яхшироқ шарт-шароит яратишга имкон берди.

Пахтани машинада териш комплекс механизациялашнинг асосий участкаси бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу — пахтачиликдаги энг муҳим, энг мураккаб ва энг ўткир проблемадир.

Кейинги йилларда республикада пахта теришни машиналаштириш соҳасида бирмунча иш қилинди. пахтани машинада териш соҳасида кўпгина тажриба тўпланди.

Ўтган йил пахтани машинада териб олиш учун шароит нақадар қийин бўлганлиги маълум. Лекин шундай шароитда ҳам прогрессив раҳбарлар бошчилик қилаётган кўпгина районлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар пахтани машинада теришни муваффақиятли равишда ташкил қила олдилар

Қуйи Чирчиқ, Жаҳ ўрғон, Сариосиё, Тўртқўл районлари, кўпгина колхозлар ва совхозлар пахтани машинада териш планини тўла ва ошириб бажардилар.

Пахтани қоп-қаноросиз ташишдан иборат прогрессив усул йилдан-йилга тобора кенг жорий қилинмоқда. бу усулнинг жорий қилиниши катта иқтисодий манфаат бермоқда. 1960 йилда 170 минг тонна пахта қоп-қаноросиз ташилган бўлса, 1962 йилда қариб 2 миллион 100 минг тонна пахта қоп-қаноросиз ташиб олинди.

Машинада терилган пахтанинг хажми ўтган йил республикада 1961 йилдагига нисбатан 19 процент кўпайди.

Лекин бу нарса бизни асло ғаноатлантиролмайди. Ўтган йил ҳаммаси бўлиб 278 минг тонна, ёки жамики ҳосилнинг 10 процентидан камроғи машиналарда териб олинди.

Пахтани машинада териш республикада секин жорий қилинаётганлигининг сабаби нима? Бунинг учун ким айбли?

Бу муҳим ишдаги жиддий камчиликлар учун масъулият, аввало, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети зиммасига тушади, албатта.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси пахтани машинада териш масалаларини қониқарсиз ҳал қилмоқдалар. Улар бу масалаларни ҳал қилишда етарли равишда сабот кўрсатмаётирлар. антимеханизаторларга қарши суст кураш олиб бормоқдалар. пахтани машинада теришни тубдан яхшилашда колхозлар ва совхозларга зарур ёрдам бермаётирлар.

Область партия комитетлари пахтани машинада теришни кенг жорий қилиш ишида ҳали ҳам чинакам партиявий принципиал йўл тутмаётирлар. Ваҳоланки, партия комитетлари пахтани машинада териш ишида ташаббусчи бўлишлари, бу ишга бошчилик қилишлари, пахтачиликда техникани тараққий эттиришнинг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини кун сайин тушунтириб боришлари, одамларнинг психологиясини актив равишда ўзгартиришлари; пахтани машинада теришни революцион равишда жорий қилишлари керак эди.

Афсуски, ҳозирча бундай қилинмаётир. Областларда пахтани машинада териш планлари йил сайин бажарилмай қолмоқда. 1962 йилнинг натижалари ҳам қониқарсиз бўлди.

Пахтани машинада териш планини Бухоро области 22 процент, Фарғона области 29,5 процент, Самарқанд области 47 процент бажарди.

Пахтани машинада териш планининг бажарилмай қолганлигига асосий сабаблардан бири шуки, кўп колхозлар ва совхозлар пахтани машинада теришга сентябрь ойида тайёргарлик кўришга киришадилар.

Пахтани машинада теришни дадиллик билан авж олдириш учун бизда зарур шарт-шароит ва имкониятлар борми?

Ҳа, бундай шарт-шароитлар ва имкониятлар бизда бор!

Ҳаммага манзур бўлган «ХВС—1.2» маркали пахта териш машиналаридан қариб 11 мингтаси терим бошлангунча бу йил колхозлар ва совхозлар қўлида ишлаш учун тайёр бўлади.

Бу йил «Ташсельмаш» заводи тракторга осиб ишлатиладиган, иш аппаратлари яхшиланган, икки хил тезлик билан ишлайдиган ва бир қанча қисмлари такомиллаштирилган «ХВС» машинасини чиқара бошлайди. Осма машиналар билан ишлашга ўтиш бу машиналарни ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган кўпгина металл, меҳнат ва маблағни тежашга, пахтани машинада териш таннархини 20-25 процент камайтиришга имкон беради.

Лекин бу ҳам охирги чегара эмас. Бизнинг олимларимиз ва конструкторларимиз пахта териш техникасини янада такомиллаштириш йўлида тинмай ишламоқдалар.

Пахта териш машиналари билан шуғулланувчи махсус Давлат конструкторлик бюросининг ўртоқ Приходько бошчилигидаги бир группа конструкторлари яратган тўрт қаторли терим машинаси ўтган йил давлат синовларидан муваффақиятли ўтди. Бу йил шу машиналарнинг тажриба учун чиқарилган бир қанчаси хўжалик шароитида ва кенг равишда давлат синовларидан ўтказилади.

Тағин ҳам такомиллашган машина яратмоқ учун олимлар ва конструкторларнинг ишлари ҳозир бирлаштирилмоқда. Улар ўзларининг биргаликда аҳил бўлиб ишлаганликларини нишона қолдирмоқ учун ўзлари яратган машинани севиб, унга «Дўстлик» машинаси деб ном бердилар.

Бинобарин, пахта теришни механизациялаштирмоқ учун бизда яхши машиналар бор.

Республикада пахтани машинада терадиган ажойиб уста кадрлар ўсиб етишди. Пахта териш машинасида ишлаётган қизл

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бинобарин, пахтани машинада термоқ учун далаларни барвақт тайёрлаб қўйиш шарт. Пахтаси машинада териш учун мўлжалланган майдонларни баҳордан ажратиб қўйиш, яхшилаб текислаш, бундай майдонларда чигитни ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб экиш, квадратларнинг аниқ олинишига қаттиқ риоя қилиш, чигитнинг барвақт, бир текисда ва соғлом ўлиб униб чиқишини таъминлаш, ғўзани машинада пахта териш талабларини қондирадиган қилиб ўстириш учун ғўза тупларини яхши парвариш қилиш, кўсакларни барвақт очилтириб, мўл ҳосил олишни таъминлайдиган чораларни кўриш керак.

Мана шуларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, ҳаммамизга маълум ҳақиқатлардир.

Сўздан ишга ўтиш пайти келди. Пахтаси машинада териш учун ажратиб қўйилган далаларда зарур агротехника тадбирлари комплексининг амалга оширилишини қаттиқ, доимий, амалий контроль қилиб туришни таъминлаш пайти келди.

Терим олдидан ғўза баргларини тўкиш пахта териш машиналаридан самарали фойдаланишда муҳим масаладир. Дефолиацияни яхши ўтказмай туриб, машина теримини ҳам муваффақиятли уюштириш мумкин эмас.

Ўзбекистон шароитида барглари тўкилмаган ғўзани сентябрь ойининг охирларида парвариш қилишдан кам натижа ҳосил бўлиши аниқланди. Лекин шунга қарамай, майдонларнинг катта қисмида ғўза барглари худди ана шу пайтда, айрим жойларда эса ҳатто октябрь ойининг бошларида ҳам тўктирилмоқда. Баъзи ўртоқлар дефолиациянинг бундай кечиктирилишини хатарли бир ҳол, дефолиация пахта ҳосилдорлигини камайтиради, деб ҳисобламоқдалар.

Аммо фан ютуқлари, илғор хўжаликлар ва илғор бригадаларнинг тажрибаси бундай хавфсираш асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. Ғўза барглари ўз вақтида тўктирила бошлаб, бу иш 20-25 сентябрда тамомланса, ҳосил камаймаслиги исбот қилинган.

Дефолиация ҳосилга зарарли таъсир кўрсатади ва пахта терими олдидан дефолиантлари бўлган ғўза баргларининг тўкилиши кутилган натижани бермайди, деган асоссиз гапларга барҳам бериш лозим. Дефолиацияни ўз вақтида дадиллик билан ва кенг миқёсда ўтказиш керак.

Республика Госплани, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси терим олдидан ғўза баргларини тўктириш учун керакли заҳарли химикатлар билан колхоз ва совхозларни ўз вақтида етарли миқдорда таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

Вазифа шуки, цианамид эритмаси каби кўпроқ таъсир кўрсатадиган дефолиант ишлаб чиқаришни тезликда уюштириш керак.

Бизнинг химикларимиз Москва, Ленинграднинг ва мамлакатимиздаги бошқа шаҳарларнинг олимлари билан биргаликда пахта терими олдидан ғўза баргларини тўкиш учун янги, таъсири зўр заҳарли химикатларни қидириб топиш сохасидаги ишни бундан буён ҳам давом эттиришлари лозим.

Қишлоқ хўжалик авиациямизнинг ишини кескин суратда яхшилаш талаб этилади. Шу нарсани очик айтиш керакки, республика Граждан ҳаво флоти органлари дефолиациянинг муҳимлигини эътиборга олмаётирлар. Қишлоқ хўжалик авиациясининг кўп самолётлари ҳар йили бошқа республикалардан Ўзбекистонга келтирилмоқда, бунинг учун жуда кўп маблағ сарфланмоқда. Бу эса дефолиациянинг қийматини оширади, бинобарин пахтани машина билан териб олиш қийматини ҳам оширади.

Афтидан бизда самолётдан дори сепиш учун ҳақ тўлашда тўғри тартиб ўрнатилмаганга ўхшайди. Граждан ҳаво флоти органлари дори сепиш ҳақини колхоз ва совхозлардан ундириб оладилар, учувчилар эса бажарган ишларининг сифатидан қатъи назар гектар ҳисобига ҳақ оладилар.

Химиявий дорилашни уюштиришда тартиб ўрнатиш — республика қишлоқ хўжалик авиацияси самолётларини анча кўпайтириш, химикатларни тайёрлаш ва уларни самолётларга ортиш ишларини механизациялаш учун керакли установкалар ўрнатилган доимий аэродромларни вужудга келтириш лозим. Граждан ҳаво флоти органлари ишнинг сифати учун ҳақиқатан ҳам жавобгар бўлишлари керак.

Машина теримининг иқтисодий жиҳатдан кўпроқ самарали бўлишини таъминлаш — ғоят жиддий масаладир. Илғор хўжаликлар ва бригадалар машина теримида меҳнат унумдорлигини 2-3 баравар ошириш ва терим ишларининг таннархини 15-20 процент камайтиришга муваффақ бўлдилар.

Аммо, ишнинг нотўғри ташкил килиниши натижасида маҳсулот бирлиги ҳисобидан машина теримига бўлаётган сарфлар ҳали ҳам жуда катта эканлигини кўрсатадиган фактлар кўп. Бундай аҳвол рўй бераётганлигига аввало сабаб шуки, пахтани машинада териш учун кам ҳосилли участкалар ажратиб берилди, ёки бу машиналар пахтаси қўл билан териб олинган далаларда ишлатилди, ёки пахтаси кам очилган ерларда машина теримга киритилади. Бундай шароитда машина жуда кам пахта теради ва бир центнер пахтани териш учун бўладиган чиқим, албатта, анча кўпайиб кетади, бутун мавсум мобайнида машинанинг иш унуми камайиб кетади.

Бу эса исрофгарчиликдан ва машина теримини обрўсизлантиришдан бошқа бир нарса эмас!

Бизда машина теримидан кейин ерга тўкилиб қолган пахтани териб олиш проблемаси шу вақтгача ҳал этилган эмас. Машина теримига бўладиган барча харажатларнинг қарийб етмиш процентини қўл билан бажариладиган ана шу иш хиссасига тўғри келади. Шу сабабли ерга тўкилиб қолган пахтани териб олиш учун махсус машиналарни тезликда яратиш — пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг ғоят муҳим вазифасидир.

Бундай машиналарни кенг синовдан ўтказиш мақсадида уларни 1964 йилда кўплаб ишлаб чиқара бошлаш учун шу йилнинг ўзидаёқ тайёрлаш керак. Пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси ғўзапояларни майдалайдиган универсал машина тайёрлади. Бу машина ғўзапояларни йғиштириб олиш ишларини ҳам механизациялаш имконини беради.

Машина теримини янада ривожлантириш ҳосил теримининг техника шароитларини ва давлат пахта стандартини такомиллаштиришни талаб этади.

Республика Госплани, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, пахтачилик саноати марказий илмий тадқиқот институти бу масалани яна бир марта зўр эътибор билан қараб чиқишлари, ўз таклифларини ишлаб чиқишлари ва тақдим этишлари лозим.

Машина теримида прогрессив — поток технологияни жорий қилиш ва пахтани қоп-қанорсиз ташиш керак. Бу йил камида 2 миллион 400 минг тонна пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун қураш олиб борамиз.

Бу — барча тайёрлаш пунктларининг қоп-қанорсиз ташиладиган пахтани қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўришларини талаб этади. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш ва қабул қилиб олиш йўлидаги ҳамма говларни йўқотиш керак.

Пахтачиликда янги технологияни, машина теримини тезликда ўзлаштириб олиш тақдири бригада раҳбарларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Прогрессив бригадир ҳамиша машинанинг дўстидир. Шу сабабли комплекс механизация бригадаларини тузиш йўлига қатъий ўтиб олиш, Меликўзи Умрзоқов, Валентин Тюпко, Турсуной ва Инобат Охуновалар, Мамажон Дадажонов, Александр Кошелев, С. Турғонов, М. Жабирова, К. Сидиқов каби механизаторлар бу бригадаларга етакчилик қилишлари лозим. Ана шу илғорларнинг иш тажрибаси ҳаммамиз учун мактабдир. Бундай қишилар бригадаларга бошлиқ бўлсалар, машина терими муваффақиятли бора беради.

Комсомол ташкилотлари пахтани машина билан териш усулини кенг қўлланиш учун курашда катта роль ўйнайдилар. Республика комсомоли ҳосилни машинада териб олиш ишларини ўз оталигига олди ва бу ишни бундан буён ҳам давом эттира беради. Комсомоллар сергайрат, жонқуяр, прогрессив кишилардир. Консерватизм ёшларга ёт нарса. Янгилик, илғорлик, прогрессивлик — ёшларга хос хусусиятдир. Ёшларнинг қалбида ижодий ғайрат ва жўшқинлик доим аланга олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қатъий ишонч билдиради ки, республиканинг ҳамма комсомоллари пахтани машина билан териш ҳаракатида қатнашадилар ва партия ташкилотининг раҳбарлигида ана шу буюк ишда катта муваффақиятларни қўлга киритадилар.

Техникани тараққий эттириш совет пахтачилигининг асосий йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Пахтани машина билан териш учун кенг йўл очиб бериш, мактаб ўқувчилари, студентлар ва шаҳарликларни теримга жалб этишдан тамомила воз кечиш — бизнинг бурчимиздир.

Бу йил терим ишларини юксак даражада механизациялаш йили бўлиши керак. Ким ҳақиқатан ҳам прогрессив одам, ким тузалмайдиган консерватор, ким қари бўлса ҳам кўнгли ёш, ким ёш бўлса ҳам руҳи мукчайиб қариб қолганлигини мана шу йил кўрсатиб беради.

Терим ишларини механизациялаш соҳасидаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

биринчидан, илғор, прогрессив агротехникани қўллаш, барвақт етиладиган ва мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш, далаларни, техникани ва кадрларни машина теримига ўз вақтида тайёрлаб қўйиш керак;

иккинчидан, терим олдидан ғўза баргларини ўз вақтида ва сифатли тўктиришга эришиш, энг таъсирли дефолиант ва дисекантлар яратиш устида қунт билан иш олиб бориш лозим. Дефолиация — пахтани машинада териш қонунидир, Дефолиация муваффақиятли ўтказилса, машина терими ҳам муваффақиятли бўлади. Дефолиация барбод этилса, машина терими ҳам барбод бўлади;

учинчидан, пахтани машинада теришнинг самарасини ошириш керак. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, бу йил «ХВС» маркали ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 65-70 тоннадан пахта терилсин;

тўртинчидан, олимлар, конструкторлар ва ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг куч-ғайратини мавжуд машиналарни яхшилашга ҳамда етиштирилган бутун ҳосилни териб олиш мақсадида янги, янада мукаммалроқ техника яратиш учун бирлаштириш ва сафарбар этиш керак. *(Докладнинг охири газетамизнинг келгуси сонида босилади).*

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги

СОВЕТ МАДАНИЯТИ ЧАМАНЗОРЛАРИДАН БИРИ

Кўтарилиб чиқаётган қуёшнинг олтин нурлари бепоён далалар ва яйловларни ёритмоқда, Амударё сувларида жилваланмоқда, юқори волтли линияларнинг симларида ярқирамоқда. Навоий номли театр жуда кенг саҳнасининг бутун саҳнига тортилган чиройли панно Қорақалпоғистоннинг ажойиб далаларини эслатади. Бу ерда 11 февралда Қорақалпоғистон санъати ва адабиётининг Тошкентдаги ҳафталиги тугалланишига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Ўзбекистоннинг театрларида, маданият саройларида, олий ўқув юртларининг мажлис залларида, қишлоқ клубларида Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти арбобларининг етти кун давомида ижодий ҳисоботлари бўлди. Ишчилар, колхозчилар, олимлар, студентлар — турли касбдаги кишилар Амударё соҳилларидан келган ўз азиз меҳмонларини қулочларини кенг очиб кутиб олдилар. Бу учрашувлар қардош халқлар маданиятининг байрамига айланди.

Қорақалпоғистон санъати — совет кўп миллатли маданияти шохобчаларидан биридир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бу маданиятнинг ҳар бир шохобчасининг мавж урио ўсиши ва гуллаши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

— Қорақалпоғистон ёзувчилари, артистлари, созандалари, рассомларининг ёрқин ижоди бизларда чуқур таассурот қолдирди, — дейди кечани оча туриб, ўзбек шоираси Зулфия. — Автоном республика санъати ва адабиётининг Ўзбекистон пойтахтидаги ҳафталиги ленинча миллий сиёсат тантанасининг яна бир, ажойиб намойиши бўлди. Қорақалпоқ халқи маданиятининг гоят ўсганлигини кўриш қувончлидир. Бу маданият барча совет кишилари учун қадрдон ва яқиндир.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари М. Нурмуҳамедов жавоб нутқи сўзлайди. У санъат ва адабиёт тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик билдиради.

— Ҳафталикнинг ўтказилиши, — деди у, — Қорақалпоғистон маданиятининг ўсишига ёрдам беради. Нотиқ қардошларча самимият билан кутиб олганликлари учун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига ташаккур билдирди.

Икки халқ оқини бир-бирига қарата ўз шеърларини ўқидилар. Қорақалпоқ поэзиясининг оқсоқоли Содиқ Нурумбетов Тошкентда ҳафталик кунларида ёзган халқлар дўстлиги ҳақидаги ўз шеърини илҳом билан ўқиб берди. Ғафур Ғулом унга жавоб тариқасида дўстлик дарёси Амударё ҳақидаги ўз шеърини ўқиб берди.

Қорақалпоқ шоири Иброҳим Юсупов ёзган янги сатрлар зўр ҳаяжон билан янгради.

Таниқли рус ёзувчиси Сергей Бородин ўз қаламкашларига ижодий ишда катта муваффақиятлар тилади.

Биз сиздан — Коммунизм қурувчиси бўлган совет кишисининг қаҳрамонона меҳнатини юксак бадиий савияда акс эттирадиган янги асарлар кутамиз.

... Азиз меҳмонларни совғалар бериб узатиб қолиш ўзбек халқининг одати бўлиб қолган. Ўзбекистон пойтахти композиторларининг тухфаси бўлган А. Козловскийнинг «Қорақалпоқ сюитаси» билан якунловчи концерт очилди. Ўзбекистон Давлат филармонияси симфоник оркестрининг ижросида халқ қўшиқлари темасида ёзилган ёрқин, қувноқ музика баралла янгради.

Шу кеча тошкентликлар қорақалпоқ композитори А. Халимов ёзган «Нукусдан салом» қўшиғини яна қарсаклар билан кутиб олдилар. Бу қўшиқни Бердах номли ашула ва рақс ансамбли ижро этди.

СССР халқ артисткаси Галия Измайлова саҳнада пайдо бўлади. У, ўзининг севимли рақсларидан бири бўлган панжобча рақсини санъат соҳасидаги ҳамкасбларига бағишлади ва гулдаста тақдим этди.

Тошкентликлар Орол балиқчиси — ёш талантли ашулачи Г. Сримбетовани севиб қолдилар. Томошабинлар «Дарёсан» қўшиғини ижро этган бу артистни яна бир марта қизғин олқишладилар.

Энг ёш артистлар — Тошкент хореография билим юртининг ўқувчилари ҳам меҳмонларни таблиқладилар. Улар Делибанинг «Коппелия» балетидан ажойиб матрос рақсини ижро этдилар.

«Қирқ қиз» халқ достони қадимги замонлардан бизнинг ҳозирги кунимизгача етиб келди. Бу достон шоирлар ва оқинлар томонидан авлоддан-авлодга олиб келинди. Ўз юртини ҳимоя қилишга стланган қирқ қорақалпоқ қизи ана шу достоннинг қаҳрамонлари саҳнада тирилгандек бўлди. «Қирқ қиз» рақс сюитасида халқ достонининг саҳифалари янада жонланди. Бу сюитани Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон ССР халқ артисти Е. Петросова саҳнага қўйган.

«Баҳор» номли машҳур ўзбек ансамблининг қизлари Қорақалпоғистондан келган артистларга ўз санъати билан жавоб берадилар. Улар «Фарғона рубоиси» рақсини ижро этадилар.

Б. Нодиров ижро этган «Қорақалпоғистон» қўшиғи эстрада оркестрининг солисти Ю. Тўраев ижро этган «Интизорман» деган ўзбек қўшиғига ва «Маричка» украин қўшиғига ҳамоҳанг бўлади.

Ана шу тарзда турли халқларнинг қўшиқ ва рақслари — рус рақси, «Совет ботири» деган қорақалпоқ қўшиғи, молдаванча рақс, туркманча қўшиқ, қирғизча лапар бирин-кетин рангба-ранг ва ажойиб тарзда ижро этилади.

Зангори фонда ўзбек ва қорақалпоқ юрти бойлигининг тимсоли «оқ олтин» чаноғи очилиб турибди. Саҳна чамандек очилган пахта билан қопланганга ўхшайди — Бердах номли ансамблнинг қизлари оқ либос кийиб М. Бурҳоновнинг «Оқ олтин» вальсини ижро этадилар.

Катта концерт М. Насимовнинг «Дўстлик» қўшиғи ва Ғафур Ғуломнинг «Коммунистлар партияси» деган шеърлари билан тамом бўлади. Бу концерт Ўзбекистон пойтахтида халқлар дўстлиги симфонияси сифатида етти кун давомида жаранглаган якунловчи аккорд бўлди.

Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти ҳафталигининг якунловчи кечасида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Поляков, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев ва С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусаховов, З. Р. Раҳимбобоева, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Г. Ф. Наймушин, Қорақалпоғистон область партия Комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. Е. Ешимбетов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари А. З. Завьялов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ш. Қолбоева, Қорақалпоғистон АССР маданият министри У. А. Арзимбетов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

Устлабинскликларнинг мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалик ходимларига қарата ёзган мантуби Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги Омонгелди номли колхоз аъзоларининг ҳам қалбидан чуқур жой олди. Артель аъзолари кубанликларнинг ташаббусига қўшилиб мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишга аҳд қилдилар. СУРАТДА: колхоз партия ташкилотининг секретари К. Қурбонов (чапда) артель аъзоларини Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг мантуби билан таништирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика партия ва давлат архивларида узоқ йиллар давомида бенуқсон ишлаганлиги учун СССРда архив ишининг 250 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан республика партия ва давлат архивларининг ходимларидан 60 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

1961-1962 йилларда сув танқислигига қарши кураш юзасидан тадбирларни муваффақиятли ўтказганликлари учун Сув хўжалиги, Қурилиш, Жамоат гартибини саклаш министрликлари ҳамда республикадаги бошқа ташкилотларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан 351 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилганига 60 йил тўлиши муносабати билан ва Ўзбекистон ССРда гидрометеорология хизмати системасида узоқ йиллар давомида бенуқсон ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР гидро-метеорология хизмати бошқармасининг бошлиғи Николай Иванович **Минаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ва Ўзбекистон матбуотида 25 йилдан бери актив ишлаб келаётганлиги учун ЎзТАГ мухбири Владимир Георгиевич **Попондопуло** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ва матбуотда кўп йиллардан бери актив ишлаб келаётганлиги учун республика газетаси «Правда Востока» редакцияси пропаганда ва халқаро ҳаёт бўлиминиг мудири Чермен Григорьевич **Абаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЛАОС ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

Лаослик меҳмонлар тушган «ИЛ-18» ҳаво лайнери аэродромга келиб қўнади ва аэровокзал перонига келиб тўхтайди. Самолёт трапидан тушаётган Шри Саванг Ваттханани, Суванна Фуманн, шаҳзода Суриа Саванги ва Лаос ҳукумат делегациясининг бошқа аъзоларини бу ерга тўпланган кишилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Совет давлат арбоблари билан ҳурматли меҳмонлар қўл қисишиб кўришадилар. Болалар меҳмонларга гулдасталар тақдим этадилар.

Шри Саванг Ваттхана фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилади. Оркестр Лаос, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларини ижро этади. Шри Саванг Ваттхана Е. С. Насриддинова билан бирга фахрий қоровул сафи олдидан ўтади, совет жангчилари билан саломлашади.

Е. С. Насриддинова микрофон олдига келиб, лаослик ҳурматли меҳмонларга қарата табрик нутқи сўзлайди.

Е. С. Насриддинова Лаос қироли Шри Саванг Ваттхана Ҳазрат Олийларини, Лаос бош министри Суванна Фума Жаноб Олийларини, шаҳзода Суриа Саванг Жаноб Олийларини, Лаос ҳукумати делегациясининг барча аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан қизғин табриклайди.

Сиз Ҳазрат Олийлари орқали, деди Е. С. Насриддинова, ўз мамлакатининг мустақиллиги, бетарафлиги ва миллий бирлиги учун курашда мардлик ва қатъиятлик кўрсатган қаҳрамон лаос халқини қизғин ва самимий табриклаймиз. Зўр мамнуният билан шу нарсани таъкидлаймизки, Совет Иттифоқи билан Лаос Қироллиги ўртасида яхши муносабатлар вужудга келди. Бу муносабатлар ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва бир-биримизнинг ички ишларимизга аралашмаслик принципларига асослангандир.

Биз қатъий ишонч билан айтамизки, деди сўнгра Е. С. Насриддинова, сизнинг Совет Иттифоқига келганлигингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, бутун дунёда тинчликни ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Биз шу нарсадан ғоят хурсандмизки, СССРга келишингиз билан сиз қадам қўйган биринчи шаҳар кўпмиллатли Совет давлатидаги 15 та тенг ҳуқуқли ва суверен республикалардан бири — Ўзбекистон ССР пойтахти Тошкентдир. Сизларни хурсандчилик билан кутиб ола туриб, чин кўнгилдан бундай деймиз:

— Хуш келибсиз, бизнинг азиз ва ҳурматли меҳмонларимиз!

Шри Саванг Ваттхана ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Хоним Президент!

Тошкентга келишимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан бизнинг биринчи танишишимиз деб айта олмайман. Бизни, мени ва ҳукумат делегациясини олиб кетмоқ учун пойтахтимиз Вьентьянга келган жуда катта ҳаво кемаси бизларни шу ерга олиб келди, бизларнинг мамлакатингизда самимий ва чин кўнгилдан кутиб олинишимизга ҳамда сизлар кўрсатадиган дўстона кутиб олишга бизни мажбур этди.

Бу жуда катта ҳаво кемаси ичида бўлганимизда ва бутун-бутун мамлакатлар устидан учиб ўтаётганимиздаёқ биз бораётган мамлакатнинг саноат соҳасидаги қудратини, юксак маънавий руҳини ва чуқур маданиятини англадик.

Биз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тупроғи Тошкентга — бу қадимий тарихий шаҳарга ва социалистик Ўзбекистон республикасининг янги яшнаб турган пойтахтига қадам ташлар эканмиз, Лаос халқининг биринчи саломини ва дўстлик ҳис-туйғуларини изҳор этамиз. Биз сизларни кўриб, сизлар билан учрашаётганимиздан ғоят хурсанд эканлигимизни билдирамиз. Сизнинг самимий кутиб олишингизни қабул қилмоқ ва сизларнинг муваффақиятларингизни тасаввур этмоқ учун бизнинг калбимиз ва ақл-идрокимиз очиқдир.

* * *

Лаослик меҳмонлар аэродромдан ўзлари учун ажратилган резиденцияга томон йўл олдилар.

* * *

Кечқурун Лаос короли Шри Саванг Ваттхана, бош министр Суванна Фума, шаҳзода Суриа Саванг ва Лаос ҳукумати делегациясининг бошқа аъзолари, шунингдек Лаоснинг СССРдаги элчиси Кампан Панья Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театрида ўтказилган Қорақалпоғистон АССР санъати ва адабиёти ҳафталигининг якунловчи концертида ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, Республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев ва бошқалар лаослик меҳмонлар билан бирга бўлдилар.

Концертда ҳозир бўлган кишилар Лаос ҳукумат делегациясининг аъзоларини қизғин кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги III конференцияси ўз ишини тамомлади

МОШИ, (Танганьика), 10 февраль, (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги учинчи конференцияси бугун бу ерда ўз ишини тамомлади.

Якунловчи ялпи мажлисда умумий декларация, сиёсий резолюция, иқтисодий резолюция ва бошқа бир қанча ҳужжатлар бир овоздан қабул қилинди.

Дўстлик қўшиғи

«Пахтаорол» совхозини кўпинча «дўстлик гулдастаси» деб атайдилар. Бу ерда Советлар мамлакатидаги қирқ икки миллатнинг вакиллари ягона қардошлик оиласида яшамоқда, меҳнат қилмоқда. СССР халқларининг дўстлигига бағишланган кечанинг худди мана шу совхозда бўлганлиги бежиз эмас. Ўзбекистоннинг олимлари, шоирлари, ёзувчилари, артистлари шу куни ўзларининг янги ҳамюртлари ҳузурига келдилар.

Пахтаоролликлар клубининг катта зали одамлар билан лиқ тўла. Шундай бўлса ҳам совхоз ишчилари ва яқин атрофдаги колхозларнинг деҳқонлари тушган машина ва автобуслар бирин-кетин келиб турибди...

... Саҳнада ўзбек шоири Э. Раҳимов. У Владимир Ильич Ленин ҳақидаги ўз шеърларини ўқиб бермоқда. Революциянинг улуғ доҳийси Мирзачўлнинг «яшнаб турган воҳага» айланиши тўғрисида қандай ғамхўрлик қилганлиги ҳақида гапираётган шоирнинг овози ҳаяжонланиб янграр эди.

Шоир Э. Раҳимовдан кейин саҳнага Жамбул номли колхознинг раиси Н. Имомқулов чиқади. У, ана шу колхознинг аъзолари турли миллат кишилари: қозоқлар, руслар, ўзбеклар, украинлар, тожиклар, қирғизлар эканлиги ҳақида гапириб берди. Уларнинг ҳаммаси бир фикр билан — ўз меҳнатини, ўз маҳоратини, ўз билимини коммунизм қурилиши ишига бағишлаш фикри билан яшамоқда.

Тошкент Давлат университетининг доценти И. Иномхўжаев кеча қатнашчиларига табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

Қорақалпоқ шоири А. Турумбетовнинг нутқи қизғин қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди. У, оғаси қозоқ халқи ҳақидаги ўзининг янги шеърларини ўқиб берди.

— Сен қозоқ, баҳодир халқсан, қаҳрамон халксан, сен қозоқ, менга яна ҳам яқинроқ, яна ҳам қардошроқ бўлиб қолганингдан хурсандман, — деб куйлади қорақалпоқ шоири.

Пахтаорол район ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Жусупбекова, татар ёзувчиси Ш. Алядинов, рус шоири Н. Куликов, ўзбек шоири А. Абдураззоқов, олим К. Хатамов ва кўпгина бошқа кишилар ўз нутқларида Советлар мамлакати халқлари дўстлигининг буюк кучи ҳақида. Ватан озодлигини фашист ваҳшийлари галаларидан сақлаб қолган куч ҳақида, янги шаҳарлар қуришга ва даштларни гуллаб турган воҳаларга айлантиришга қодир бўлган куч ҳақида гапирдилар.

Сўнгра залда музика ва қўшиқлар янгради. Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Ярашев, Навоий номли опера ва балет театрининг солисти Н. Титова қўшиқ айтдилар. Қорақалпоқ артистларининг вакили М. Ниёзимбетов ўз халқи севиб қолган Юрий Гагарин ҳақидаги қўшиқни айтди. (ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06693. ИНДЕКС 64695 А. — 1528.